

## **356** Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил  
11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2146*

*(2011 йил 1 январдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси «Бюджет тизими тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2000 й., 11-сон, 151-модда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 6-модда) ва «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 453-модда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 9-сон, 164-модда) қонунларига мувофиқ ҳамда миллий бюджет таснифини давлат молияси таснифининг халқаро стандартлари билан уйғунлаштириш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ 2011 йил 1 январдан кучга киради.

**Вазир**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 20 август,  
65-сон

Ўзбекистон Республикаси  
молия вазирининг 2010 йил 20 августдаги  
65-сон буйруғига  
ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини қўллаш бўйича ЙЎРИҚНОМА

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 6-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини (кейинги ўринларда бюджет таснифи деб юритилади) қўллаш тартибини белгилайди.

### І. Умумий қоидалар

1. Бюджет таснифи Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларидан маблағ олувчи ташкилотларга қўлланилади ҳамда Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро қилиш, шунингдек Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш мақсадида фойдаланилади.

2. Бюджет таснифи Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари тузилмасига кирувчи бюджетлар даромадлари ва харажатларини, шунингдек унинг тақчиллигини молиялаштириш манбалари гуруҳланиши бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

Давлат бюджети даромадларининг таснифи;

Давлат бюджети харажатларининг вазифа жиҳатидан, ташкилий ва иқтисодий таснифи;

Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари таснифи.

Бюджет таснифи Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ҳамда ижро этиш мақсадида бюджет маълумотларини тизимга солиш учун фойдаланилади ва у бюджет маълумотлари халқаро тасниф тизимларининг айнан шундай маълумотлари билан қиёсланишини таъминлайди.

3. Бюджет таснифини тузишнинг асосий тамойиллари қуйидагилар ҳисобланади:

тўлиқлик — бюджет таснифи бюджет жараёнининг барча иштирокчиларини қамраб олиши шарт;

ягоналик — бюджет таснифи бюджет жараёнининг барча иштирокчилари учун ягона бўлиши шарт;

ўзаро мувофиқлик — бюджет таснифининг кодлари бир вақтнинг ўзида бюджет жараёнининг ҳар хил операцияларини акс эттириш учун қўлланилмаслиги керак, яъни бюджет таснифининг ҳар бир коди ўзига хос бўлиши шарт.

## II. Даромадлар таснифи

4. Давлат бюджети даромадларининг таснифи (кейинги ўринларда даромадлар таснифи деб юритилади) барча даражадаги бюджетлар даромадлари, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари даромадларининг гуруҳланишидан иборат.

5. Йигирма бир коддан иборат бўлган даромадлар таснифи тузилмаси тўрт қисмли кўринишга эга:

маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифи (мазкур Йўриқноманинг 1-илоvasи);

даромадлар тури (мазкур Йўриқноманинг 2-илоvasи);

худудий тасниф (мазкур Йўриқноманинг 3-илоvasи).

6. Даромадлар таснифи тузилмаси қуйидаги кўринишга эга:

Маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифи				Даромадлар тури			Ташкилий тасниф	Худудий тасниф	
х	xxx	х	х	х	xxx	xxx	xxx	xx	xxx

7. Давлат молиясини бошқаришнинг Ахборот тизими (кейинги ўринларда ДМБАТ деб юритилади) татбиқ этилгунига қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тузишда фақатгина «Даромадлар тури» коди қўлланилади.

8. Маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифи (1 — 6 кодлар) бюджетга тушаётган даромадларни тегишли маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаларига (тегишли бюджет даражасига, давлат мақсадли жамғармаси турига ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари даромадлари турига) мансублигини аниқлаш мақсадида қўлланилади.

9. 7 та рақамли даромадлар тури (7 — 13 кодлар) қуйидагилардан иборат:

бўлим;

параграф;

даромад тури.

10. Бўлим даромадларни уларнинг олиш манбалари бўйича гуруҳланишини билдиради:

3 100 000 «Солиқлар»;

3 200 000 «Ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар/бадаллар»;

3 300 000 «Грантлар»;

3 400 000 «Бошқа даромадлар»;

3 500 000 «Актив ва мажбуриятларга транзакциялар бўйича тушумлар».

11. Параграф солиқ ёки бошқа турдаги даромадларни солиққа тортиш базаси бўйича даромадларнинг гуруҳланишини билдиради.

12. «Солиқлар» (3 100 000) қуйидаги параграфларни ўз ичига олади:

3 110 000 «Даромад, фойда ва капитал ўсишига солиқлар»;

3 130 000 «Мол-мулкка солинадиган солиқ»;

- 3 140 000 «Товарлар ва хизматларга солиқлар»;  
3 150 000 «Халқаро савдо ва операцияларга солиқлар»;  
3 160 000 «Бошқа солиқлар»;
13. «Ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар/бадаллар» (3 200 000)  
3 210 000 «Ижтимоий таъминотга ажратмалар/бадаллар» параграфини ўз ичига олади.
14. «Грантлар» (3 300 000) қуйидаги параграфларни ўз ичига олади:  
3 310 000 «Хорижий давлатлар ҳукуматларидан»;  
3 320 000 «Халқаро ташкилотлардан»;  
3 330 000 «Давлат бошқаруви секторининг бошқа бирликларидан».
15. «Бошқа даромадлар» (3 400 000) қуйидаги параграфларни ўз ичига олади:  
3 410 000 «Мол-мулкдан даромадлар»;  
3 420 000 «Товарлар ва хизматлар сотилиши»;  
3 430 000 «Жарималар, пенялар ва неустойкалар»;  
3 440 000 «Ихтиёрий трансфертлар, грантлар бундан мустасно»;  
3 450 000 «Аниқлаб бўлмайдиган ва бошқа даромадлар».
16. «Актив ва мажбуриятларга транзакциялар бўйича тушумлар» (3 500 000) қуйидаги параграфларни ўз ичига олади:  
3 510 000 «Транзакциялардан активларга тушадиган тушумлар»;  
3 520 000 «Мажбуриятларга транзакциялар бўйича тушумлар».
17. Тегишли бўлим ва параграфнинг янада деталлаштирилиши ва тавсифи мазкур Йўриқноманинг 2-иловасига мувофиқ даромадлар тури бўйича амалга оширилади.
18. Тегишли бюджетнинг даромадлар ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар даромадлар таснифининг мумкин бўлган барча элементларини қўллаган ҳолда шакллантирилади.
- Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ўртасидаги бюджет даражалари бўйича тушумларнинг тақсимланиши қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.
19. Ташкилий тасниф (14 — 16 кодлар) бюджетга тушаётган даромадларни уларни бошқарувчи тегишли ташкилотларга (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва ш.к.) тегишли эканлигини аниқлаш мақсадида қўлланилади ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади.
- Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича юқори (қуйи) бюджетнинг қуйи (юқори) бюджет олдидagi мажбуриятининг қайтарилиши ҳисобига қуйи бюджетларга дотация, субвенция, бюджет ссудалари ва маблағлари келиб тушганда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига бириктирилган коддан фойдаланилади.
20. Худудий тасниф (17 — 21 кодлар) тушаётган даромадларни мазкур даромадларни тўлаётган тегишли худудларга мансуб эканлигини аниқлаш мақсадида қўлланилади.

### III. Харажатлар таснифи

21. Давлат бюджети, давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар харажатлари таснифи (кейинги ўринларда харажатлар таснифи деб юритилади) барча бюджет даражалари харажатлари гуруҳланишини ўзида ифодалайди ҳамда давлат бошқаруви ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш сектори бирликлари асосий функцияларини бажаришига, ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал қилишига бюджет маблағларини йўналтирилишини акс эттиради.

22. Харажатлар таснифи қуйидагилардан иборат:

маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифи (мазкур Йўриқноманинг 1-илоvasи);

худудий тасниф (мазкур Йўриқноманинг 3-илоvasи);

харажатларнинг вазифа жиҳатидан таснифи (мазкур Йўриқноманинг 4-илоvasи);

харажатларнинг иқтисодий таснифи (мазкур Йўриқноманинг 5-илоvasи);

харажатларнинг иқтисодий таснифи (харажатлар гуруҳи бўйича) (мазкур Йўриқноманинг 5а-илоvasи);

ташкилий тасниф;

23. Харажатлар таснифи тузилмаси қуйидаги кўринишга эга:

Маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифи				Харажатларнинг вазифа жиҳатдан таснифи			Ташкилий тасниф	Харажатларнинг иқтисодий таснифи			Худудий тасниф	
х	xxx	х	х	х	xxx	xxx	xxx	хх	хх	xxx	хх	xxx

24. ДМБАТ татбиқ этилгунига қадар харажатлар сметасини ва харажатлар сметаси ижроси тўғрисидаги ҳисоботни (Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни қўшган ҳолда) тузишда «Харажатларнинг вазифа жиҳатдан таснифи», «Ташкилий тасниф» ва «Харажатларнинг иқтисодий таснифи» кодлари қўлланилади.

25. Маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифи (1 — 6 кодлар) амалга оширилаётган харажатларнинг қайси маблағлар манбаси ва бюджетлар даражасига (тегишли бюджет даражасига, давлат мақсадли жамғармаси турига ва ш. к.) мансублигини аниқлаш мақсадида қўлланилади.

26. Харажатларнинг вазифа жиҳатдан таснифи (7 — 13 кодлар) барча бюджет даражалари харажатлари гуруҳланишини ўзида ифодалайди ҳамда давлат бошқаруви ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш сектори бирликлари асосий функцияларини бажаришига, ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал қилишига бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни йўналтирилишини акс эттиради.

27. Харажатларнинг вазифа жиҳатдан таснифи икки даражадан иборат:

Вазифа жиҳатдан таснифнинг биринчи даражаси (бўлимлар) давлатнинг асосий вазифасини бажариш учун молиявий ресурсларнинг йўналишини акс эттиради. Кичик бўлимлар вазифа жиҳатдан таснифнинг иккинчи даражаси

ҳисобланиб, давлат вазифаларининг бажарилишида бюджет маблағларининг бўлимлар доирасидаги йўналишини аниқлаштиради.

Вазифа жиҳатдан таснифнинг кичик бўлимларининг тузилиши давлатнинг асосий вазифаларини аниқлаштириш тамойилига асосан қурилган.

Вазифа жиҳатдан таснифнинг коди 7 та рақамдан иборат бўлиб, шундан 4 та рақам — бўлим, 3 та рақам эса — кичик бўлимдир.

Вазифа жиҳатдан таснифнинг бўлимлари ва кичик бўлимлари ягона бўлиб, бюджет жараёнининг барча иштирокчилари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузишда, тасдиқлашда ва ижро қилишда фойдаланилади.

28. 7 011 000 «Ижро этувчи ва қонунчилик органлари, бюджет-молиявий масалалар, халқаро муносабатлар» бўлими бўйича давлат вакиллик органлари, қонунчилик ҳокимияти органлари, давлат ҳокимияти органлари, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятига қилинадиган харажатлар, бюджет-молиявий масалаларга, халқаро фаолиятга, захира жамғармалари ва бошқа умумдавлат бошқаруви органларига харажатлар акс эттирилади.

29. 7 011 100 «Давлат вакиллик органлари, қонунчилик ҳокимияти органлари фаолияти» кичик бўлими бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесини сақлаш харажатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг фаолиятини таъминлаш, Олий Мажлис палаталарининг мажлисига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар, шунингдек давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолияти билан боғлиқ бошқа харажатлар акс эттирилади.

30. 7 011 200 «Давлат ҳокимияти органлари фаолияти» кичик бўлими бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, ҳокимликлар, ҳокимликлар бошқармалари ва бўлимларини сақлаш харажатлари, шунингдек бошқа тоифаларга киритилмаган давлат ҳокимияти органларини сақлаш харажатлари акс эттирилади.

31. 7 011 300 «Бюджет-молиявий масалалар» кичик бўлими бўйича Молия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари, Иқтисодиёт вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари, Давлат солиқ қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари, Давлат божхона қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларини сақлаш харажатлари, шунингдек Давлат мулк қўмитасининг махсус ҳисобварағи ва бошқа тоифаларга киритилмаган бюджет-молиявий масалалар билан боғлиқ харажатлар акс эттирилади.

32. 7 011 400 «Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти» кичик бўлими бўйича шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролари йиғинлари Кенгаши аппаратини, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар маҳаллалари фуқаролари йиғинлари Кенгаши аппаратини сақлаш харажатлари акс эттирилади.

33. 7 011 900 «Умумдавлат бошқарувининг бошқа органларининг фаолияти» кичик бўлими бўйича давлат захирасига ғамлаш, озиқ-овқат маҳсу-

лотлари захираларини яратиш харажатлари, шунингдек мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс эттирилади.

34. 7 012 000 «Халқаро фаолият» бўлими бўйича халқаро муносабатлар, ривожланаётган мамлакатлар ва ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатларга иқтисодий ёрдам, халқаро ташкилотлар орқали кўрсатиладиган иқтисодий ёрдам ва бошқа тоифаларга киритилмаган халқаро фаолиятнинг бошқа масалалари бўйича харажатлар акс эттирилади.

35. 7 012 100 «Халқаро муносабатлар» кичик бўлими бўйича Ташқи ишлар вазирлиги, Республиканинг чет элдаги элчихоналари, ваколатхоналари, консулхоналари, агентликлари ва бошқа дипломатик муассасаларини сақлаш харажатлари, халқаро ташкилотларга аъзолик бадали тўлови бўйича, шунингдек халқаро муносабатларни таъминлайдиган ва бошқа тоифаларга киритилмаган халқаро муносабатларни таъминловчи бошқа ташкилотлар харажатлари акс эттирилади.

36. 7 012 200 «Ривожланаётган мамлакатларга ва ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатларга иқтисодий ёрдам» кичик бўлими бўйича Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг чет давлат Хукуматларига кредит бериш ва чет давлатларга беғараз ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатлари акс эттирилади.

37. 7 012 300 «Халқаро ташкилотлар орқали кўрсатиладиган иқтисодий ёрдам» кичик бўлими бўйича халқаро, минтақавий ёки бошқа халқаро ташкилотлар иқтисодий ривожланиш жамғармаларига бадаллари акс эттирилади.

38. 7 012 900 «Бошқа тоифаларга киритилмаган халқаро фаолиятнинг бошқа масалалари» кичик бўлими бўйича бошқа тоифаларга киритилмаган халқаро фаолият билан боғлиқ харажатлар, шунингдек мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс эттирилади.

39. 7 013 000 «Умумий хизматлар» бўлими бўйича кадр хизматининг умумий масалаларига, умумий вазифадаги режалаштириш хизмати ва статистика хизматига, архив муассасалари ва бошқа умумий хизматлар фаолиятига харажатлар акс эттирилади.

40. 7 013 100 «Кадрлар хизматининг умумий масалалари» кичик бўлими бўйича кадрлар сиёсати бўйича масалалар ва кадрлар хизмати билан боғлиқ бошқа харажатлар акс эттирилади.

41. 7 013 200 «Умумий аҳамиятдаги режалаштириш хизмати ва статистика хизматлари» кичик бўлими бўйича статистик ишларни амалга ошириш учун давлат буюртмаси бўйича харажатлар акс эттирилади.

42. 7 013 300 «Архив муассасаларининг фаолияти» кичик бўлими бўйича архив муассасаларини сақлаш харажатлари акс эттирилади.

43. 7 013 900 «Бошқа умумий хизматлар» кичик бўлими бўйича Қабуллар уйлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги маъмурий бинодан фойдаланиш бўйича бошқармани сақлаш харажатлари, шунингдек бошқа харажатлар акс эттирилади.

44. 7 014 000 «Фундаментал тадқиқотлар» бўлими бўйича аниқ амалий ёки тажриба мақсадига эришишни кўзда тутмайдиган, ҳодисаларнинг асос-

лари ва кузатиладиган далиллар ҳақида янги билимлар олишга йўналтирилган фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш харажатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасини сақлаш харажатлари, шунингдек, мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс эттирилади.

45. 7 015 000 «Умумий аҳамиятдаги Давлат хизматлари билан боғлиқ илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари» бўлими бўйича фанга хизмат қилувчи ноёб объектлар ва муассасалар, катта илмий ва инвестицион лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш, умумий аҳамиятдаги давлат хизматлари функцияларини бажаришга таъсир кўрсатадиган илмий-техник дастурлар ва инновацион ишланмаларнинг устувор йўналишларига харажатлар, шунингдек мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс эттирилади.

46. 7 016 000 «Бошқа тоифаларга киритилмаган умумий аҳамиятдаги давлат хизматлари» бўлими бўйича сайлов ва референдумлар ўтказиш, бир йўла тўланадиган давлат рағбатлантириш ва мукофотларини тўлаш, давлат улушларини бошқариш бўйича хизматлар тўлови, сиёсий партияларнинг низом бўйича фаолиятини молиялаштириш харажатлари, капитал қўйилмалар ва бошқа умумий хизматлар бўйича харажатлар акс эттирилади.

47. 7 016 100 «Сайлов ва референдумлар ўтказиш харажатлари» кичик бўлими бўйича тегишли халқ депутатлари Кенгашларига сайловларни, референдумларни ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини сақлаш харажатлари акс эттирилади.

48. 7 016 200 «Бир йўла бериладиган давлат рағбатлантириш ва мукофотларини тўлаш харажатлари» кичик бўлими бўйича давлат мукофотлари, давлат рағбатлантиришлари билан тақдирланиши, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарори бўйича бир йўла мукофотларни тўлаш билан боғлиқ харажатлар акс эттирилади.

49. 7 016 300 «Давлат улушларини бошқариш бўйича хизматлар тўлови» кичик бўлими бўйича давлат улушини бошқариш бўйича давлат ишончли вакилларининг хизматларига харажатлар акс эттирилади.

50. 7 016 400 «Сиёсий партияларнинг низом бўйича фаолиятини молиялаштириш харажатлари» кичик бўлими бўйича сиёсий партияларнинг низом бўйича фаолиятини молиялаштиришга сиёсий партияларга ажратилган маблағлар кўрсатилади.

51. 7 016 800 «Капитал қўйилмалар» кичик бўлими бўйича бюджет ажратмалари, бюджет ссудалари, шунингдек бошқа манбалар ҳисобидан капитал қўйилмалар бўйича харажатлар акс эттирилади.

52. 7 016 900 «Бошқа умумий хизматлар» кичик бўлими бўйича бошқа кичик бўлимларга киритилмаган харажатлар, шунингдек мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс эттирилади.

53. 7 017 000 «Давлат қарзлари билан боғлиқ операциялар» бўлими бўйича давлатнинг ички ва ташқи қарзларига хизмат кўрсатиш бўйича ха-



ражатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси томонидан кафолатланган мажбуриятларнинг бажарилиши бўйича харажатлар акс эттирилади.

54. 7 017 100 «Давлат ички қарзларига хизмат кўрсатиш» кичик бўлими бўйича Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилдаги 12 фоизли ички ютуқли заёмлари, 1982 йилдаги Давлат ички ютуқли заёмлари, 1990 йилдаги Давлат мақсадли фоизсиз заёмлари ва ғазна мажбуриятлари, 1990 йилдаги корхоналар, ташкилотлар ва аҳоли ўртасида жойлаштирилган Ўзбек заёмлари, аҳоли ўртасида жойлаштирилган Давлат мақсадли фоизсиз заёмлари, давлат, кооператив ва бошқа жамоат корхоналари ва ташкилотлари ҳамда кредит муассасалари ўртасида жойлаштирилган 1990 йилдаги 5 фоизли Давлат ички заёмлари, давлат қисқа ва ўрта муддатли мажбуриятлари бўйича харажатлар, ссудалар бўйича тўловлари, шунингдек бошқа тоифаларга киритилмаган давлат ички қарзларига хизмат кўрсатиш харажатлари акс эттирилади.

55. 7 017 200 «Давлат ташқи қарзларига хизмат кўрсатиш» кичик бўлими бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан чет давлатлар ҳукуматларидан олинган кредитлар, Ўзбекистон Республикаси кафолати асосида олинган кредитлар, бошқа кичик бўлимларга киритилмаган ташқи қарзларга хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар, шунингдек мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс эттирилади.

56. 7 018 000 «Турли даражадаги давлат бошқарув органлари ўртасидаги умумий тусдаги трансфертлар ва қарз олишлар» бўлими бўйича ссудалар, дотациялар, субвенциялар, бошқа бюджетлар ва жамғармаларга ўтказиб бериладиган маблағлар, шунингдек давлат солиқ ва даромадларидан ажратмалар акс эттирилади.

57. 7 018 100 «Ссудалар» кичик бўлими бўйича турли даражадаги бюджетлар, жамғармалар ва хўжалик юритувчи субъектларга бериладиган ссудалар акс эттирилади.

58. 7 018 200 «Дотациялар» кичик бўлими бўйича Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, маҳаллий бюджетларга ҳамда жамғармаларга бериладиган дотациялар акс эттирилади.

59. 7 018 300 «Субвенциялар» кичик бўлими бўйича Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга турли хил мақсадлар учун бериладиган субвенциялар акс эттирилади.

60. 7 018 500 «Бошқа бюджет ва жамғармаларга бериладиган маблағлар» кичик бўлими бўйича:

ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетига ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетларига бериладиган маблағлар;

Давлат мақсадли ва бюджетдан ташқари жамғармаларига бериладиган маблағлар;

юқори бюджетга ўтказиладиган маблағлар;

юқори бюджетларга бериладиган даромадларининг ортиқча суммалари;

республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетларга бериладиган даромадлар;

Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлардан туман ва шаҳарларга бериладиган даромадлар;

эркин қолдиқлар ҳисобидан ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетига бериладиган маблағлар;

эркин қолдиқлар ҳисобидан ўзаро ҳисоб-китоб бўйича туман ва шаҳарлар бюджетларига бериладиган маблағлар;

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига бериладиган маблағлар;

Қорақалпоғистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳудудий бошқармаларига бериладиган маблағлар;

Иш билан таъминлашга қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига бериладиган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасидан бериладиган маблағлар;

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларининг Мактаб таълими жамғармасидан бериладиган маблағлар;

республика бюджетининг прогноздан ортиқча даромадларини қуйи турувчи бюджетлар харажатларига йўналтириш;

айланма касса маблағларини тўлдириш учун маблағлар.

61. 7 018 600 «Давлат солиқ ва даромадларидан ажратмалар» кичик бўлими бўйича қўшилган қиймат солиғидан, юридик шахслар фойда солиғидан ажратмалар, бошқа солиқлар ва мажбурий тўловлар, шунингдек нарх ўртасидаги фарқ суммаларидан ажратмалар акс эттирилади.

62. 7 019 000 «Бошқа харажатлар» бўлими бўйича чегирилган режали маблағлар харажатлари, шунингдек «Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш» лойиҳасини тайёрлаш ва амалга ошириш харажатлари ҳамда мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс эттирилади.

63. 7 020 000 «Мудофаа» бўлими бўйича қуrolли кучлар, фуқаро мудофааси, хорижий ҳарбий ёрдам, мудофаа соҳасида илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари ҳамда бошқа тоифаларга киритилмаган бошқа масалалар учун харажатлар акс эттирилади.

64. 7 021 000 «Қуrolли кучлар» бўлимида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларини сақлаш, мудофаа учун мутахассисларни тайёрлаш ва мудофаага ёрдам берувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг бошқа харажатлари, сафарбарлик захираларига ғамлаш ва «Ўздавзахира» бошқарув аппарати ва унинг таркибий бўлинмаларини сақлаш харажатлари, шунингдек мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс эттирилади.

65. 7 022 000 «Фуқаролар мудофааси» бўлими бўйича Ўзбекистон Рес-

публикаси фавқуллода вазиятлар бўйича органларини сақлаш харажатлари, шунингдек мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс эттирилади.

66. 7 023 000 «Хорижий ҳарбий ёрдам» бўлими бўйича хорижий давлатларга ҳарбий ёрдам кўрсатиш бўйича харажатлар, шунингдек мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс эттирилади.

67. 7 024 000 «Мудофаа соҳасида илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари» бўлимида мудофаа соҳасидаги тадқиқот ва амалий ишлар бўйича харажатлар, жумладан, фанга хизмат қилувчи ноёб объектлар ва муассасаларга, катта илмий ва инвестицион лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш, мудофаа соҳасидаги илмий-техник дастурлар ва инновацион ишланмаларнинг устувор йўналишларига харажатлар, шунингдек мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс эттирилади.

68. 7 029 000 «Бошқа тоифаларга киритилмаган мудофаа масалалари» бўлими бўйича мудофаа учун капитал қўйилмалар, жумладан, бюджет ажратмалари, бюджет ссудалари ва бошқа манбалар ҳисобидан капитал қўйилмалар, шунингдек бошқа харажатлар акс эттирилади.

69. 7 030 000 «Жамоат тартиби ва хавфсизлиги» бўлими бўйича ички хавфсизлик, ёнғинга қарши ҳимоя, суд ҳокимияти, давлат хавфсизлик органлари, чегара хизмати органлари, адлия органлари, прокуратура органлари, жамоат тартиби ва хавфсизлиги масалалари билан боғлиқ илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари ва бошқа тоифаларга киритилмаган жамоат тартиби ва хавфсизлиги масалалари харажатлари акс эттирилади.

70. 7 031 000 «Ички хавфсизлик бўйича харажатлар» бўлими бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигини, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш Бош бошқармасини, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг моддий-техник ва ҳарбий таъминот Бошқармасини, вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи инспекцияларни, дайдилик ва тиламчилик учун ушланган шахсларнинг қабул-тақсимотхоналарини, йўл-патрул хизмати бўлинмаларини, маъмурий ҳибсга олинганларни ташиш бўлинмаларини, профилактика инспекторларини, маъмурий тартибда ҳибсга олинган шахсларни сақлаш учун махсус қабул-тақсимотхоналар, ички ишлар органларининг махсус сафдаги бўлинмаларини, топилмалар бюросини, хатланган мол-мулклар омборхонасини, манзил-маълумотнома бюрларини, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармасининг махсус монтаж-эксплуатация бошқармасини, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш бўлимлари ва бўлинмалари (гуруҳлари), марказлаштирилган бухгалтерияларни сақлаш харажатлари, шунингдек мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс эттирилади.

71. 7 032 000 «Ёнғинга қарши ҳимоя» бўлимида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматини сақлаш харажатлари акс эттирилади.

72. 7 033 000 «Суд ҳокимияти» бўлимида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судлари, бошқа судлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси котибиятини ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини, адлия органлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) котибиятини сақлаш харажатлари, шунингдек мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс эттирилади.

73. 7 034 000 «Давлат хавфсизлиги органлари» бўлимида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматини сақлаш харажатлари, шунингдек мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс эттирилади.

74. 7 035 000 «Чегара хизмати органлари» бўлимида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасини сақлаш, Ўзбекистон Республикасининг чегара ҳудудларида тартибни сақлашда қатнашадиган шахсларнинг иш ҳақиға қўшимчаларни тўлаш ва «Чегара посбони» гуруҳларини сақлаш харажатлари, шунингдек мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс эттирилади.

75. 7 036 000 «Прокуратура органлари» бўлимида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасини, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратураларини, туманлар (шаҳарлар) ва бошқа прокуратураларни, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютаға оид жиноятларға ва жиноий даромадларни легаллаштиришға қарши курашиш департаменти Марказий аппаратини ҳамда унинг жойлардаги бўлинмаларини сақлаш харажатлари, шунингдек мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларға ажратилган маблағлар акс эттирилади.

76. 7 038 000 «Жамоат тартиби ва хавфсизлиги масалалари билан боғлиқ илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари» бўлимида жамоат тартиби ва хавфсизлиги соҳасидаги илмий ва амалий тадқиқотлар бўйича харажатлар, жумладан, жамоат тартиби ва хавфсизлиги соҳасидаги фанға хизмат қилувчи ноёб объектлар ва муассасалар, катта илмий ва инвестицион лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш, илмий-техник дастурларнинг устувор йўналишлари ва инновацион ишланмалар харажатлари, шунингдек мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларға ажратилган маблағлар акс эттирилади.

77. 7 039 000 «Бошқа тоифаларға киритилмаган жамоат тартиби ва хавфсизлиги масалалари» бўлими бўйича капитал қўйилмаларға харажатлар, жумладан, бюджет ажратмалари, бюджет ссудалари ва бошқа манбалар ҳисобидан капитал қўйилмалар, шунингдек Давлат персоналлаштириш мар-

казини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил марказини сақлаш харажатлари ва бошқа харажатлар акс эттирилади.

78. 7 040 000 «Иқтисодий масалалар» бўлими бўйича умуиктисодий ва тижорат масалаларига, жумладан ишчи кучига оид умумий масалаларга, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, балиқчилик ва овчилик харажатлари, ёқилғи ва энергетика, кончилик саноати, қайта ишлаш саноати ва қурилиш, транспорт, информатика ва алоқа, иқтисодий фаолиятнинг бошқа тармоқлари, иқтисодий масалалар билан боғлиқ илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишланмалари ҳамда бошқа тоифаларга киритилмаган иқтисодий масалаларга харажатлари акс эттирилади.

79. 7 041 000 «Умуиктисодий ва тижорат масалалари, жумладан ишчи кучига оид умумий масалалар» бўлимида умуиктисодий ва тижорат масалаларига, жумладан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигини, Давлат мулк қўмитасини, Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказини, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ва уларнинг ҳудудий бўлинмаларини ҳамда «Ўзинфоинвест» — хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва қўмаклашиш агентлигини сақлаш харажатлари, шунингдек тижорат банкларида кредит линиялари очиш йўли билан ишчи ўринларини сақлаб қолиш ва яратиш учун кредитлар бериш, барча даражадаги меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларини жойлаштириш учун биноларни қуриш ва реконструкция қилиш, уларни моддий-техник таъминлаш, Тошкент шаҳридаги Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказини сақлаш, ишчи кучи билан боғлиқ бошқа харажатлар ва мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс эттирилади.

80. 7 042 000 «Қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, балиқчилик ва овчилик» бўлимида:

қишлоқ хўжалиги, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигини (қишлоқ хўжалиги) сақлаш, қишлоқ хўжалиги ўсимликлари зараркунандаларига қарши курашиш хизмати, ўсимликларни химоя қилиш марказлари, биологик лабораториялар, ветеринар лабораториялар, уруғчилик инспекциялари, «Давтехназорат» бўлимлари ва инспекциялари, агрокимё станциялар, ерларни қайта тиклаш ишлари бўйича тўлов, ҳайвон касалликларига қарши кураш станциялари, қишлоқ хўжалиги ўсимликлари зараркунандаларига ва касалликларига қарши кураш бўйича тадбирлар, эпизоотик касалликларга қарши тадбирлар, шунингдек ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлашга, Қишлоқни қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлашни рағбатлантириш давлат жамғармасининг ҳамда бошқа харажатлар;

ўрмон хўжалиги, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги ўрмон хўжалиги бош бошқармасини сақ-

лаш, табиат боғлари, давлат қўриқхоналари ва ўрмон хўжаликлари харажатлари;

балиқчилик ва овчилик;

сув хўжалиги, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигини (сув хўжалиги) сақлаш, сув хўжалиги ташкилотлари, қутқарув хизмати, сувдаги станция ва постлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси харажатлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси харажатлари, Суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурида назарда тутилган ишлар, шунингдек бошқа харажатлар акс этирилади.

81. 7 043 000 «Ёқилғи ва энергетика» бўлимида кўмир ва бошқа турдаги қаттиқ минерал ёқилғи, нефть ва табиий газ, ядро ёнилғиси, ёқилғининг бошқа турлари, электр энергия ва бошқа энергия ишлаб чиқаришга, шунингдек, иссиқлик таъминоти тизими ташкилотлари харажатлари, шунингдек мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс этирилади.

82. 7 044 000 «Кончилик саноати, қайта ишлаш саноати ва қурилиш» бўлимида минерал ресурсларни қазिश, минерал ёқилғи бундан мустасно қайта ишлаш саноати, архитектура ва қурилиш бўйича тадбирлар, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасини ва унинг ҳудудий бўлинмаларини сақлаш харажатлари, мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс этирилади.

83. 7 045 000 «Транспорт» бўлимида автомобиль йўллари транспорти, умумий фойдаланишдаги, халқаро аҳамиятга эга бўлган, давлат аҳамиятига эга бўлган, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган, ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш, капитал ва ўртача таъмирлаш, сақлаш ва қишки сақлаш, кўкаламзорлаштириш харажатлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика Йўл жамғармаси харажатлари, шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармаларининг шаҳар, туман марказлари, хўжаликлараро қишлоқ ва шаҳар посёлкалари автомобиль йўлларини таъмирлаш харажатлари, сув, темир йўл, ҳаво транспорти, қувурлар ва бошқа транспорт тизимлари харажатлари, шунингдек мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс этирилади.

84. 7 046 000 «Информатика ва алоқа» бўлимида алоқа ташкилотларини қўллаб-қувватлаш ва информатика бўйича тадбирлар харажатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги харажатлари, шунингдек, мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс этирилади.

85. 7 047 000 «Иқтисодий фаолиятнинг бошқа тармоқлари» бўлимида меҳмонхоналар ва ресторанлар, туризм ва кўп мақсадли ривожлантириш лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш харажатлари, шунингдек, мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс этирилади.

86. 7 048 000 «Иқтисодий масалалар билан боғлиқ илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари» бўлимида умумиқтисодий ва тижорат масалалари билан боғлиқ фанга хизмат қилувчи ноёб объектлар ва муассасалар, катта илмий ва инвестицион лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш, илмий-техник дастурларнинг устувор йўналишлари ва инновацион ишланмалар, жумладан ишчи кучи, қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, балиқчилик ва овчилик, ёқилғи ва энергетика, кончилик саноати, қайта ишлаш саноати ва қурилиш, транспорт, алоқа ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари билан боғлиқ умумий масалалар харажатлари, шунингдек мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс эттирилади.

87. 7 049 000 «Бошқа тоифаларга киритилмаган иқтисодий масалалар» бўлимида стандартлаштириш ва сертификатлаш, топограф-геодезик, картографик ва кадастр ишлари, давлат шаҳарсозлик кадастрини юритиш, Давлат патент идораси, капитал қўйилмалар, Туркменистонга ҳақ тўлаш эвазига ердан фойдаланиш тўловлари, ер тузиш ва ер-кадастр ишлари, ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ҳуқуқларининг бузилиши сабабли кўрилган зарарларни қоплаш, ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларга уларнинг айби бўлмаган ҳолда бузилган ерларни қайта тиклаш учун маблағлар, айрим ташкилотларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қоплашга мақсадли харажатлар, Ўзбекистонда Европа Иттифоқи Комиссиясининг техникавий ёрдамини мувофиқлаштириш бюросини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати марказини сақлаш харажатлари, бошқа тоифаларга киритилмаган харажатлар.

88. 7 050 000 «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш» бўлими бўйича чиқиндиларни йиғиш ва йўқотишни ташкиллаштириш, оқова сувларни тозалаш ва йўқотиш, атроф муҳитни ифлослантиришга қарши кураш, биологик рангбарангликни ва ландшафтни муҳофаза қилишни, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари, шунингдек бошқа тоифаларга киритилмаган атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари харажатлари акс эттирилади.

89. 7 056 000 «Бошқа тоифаларга киритилмаган атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари» бўлимида Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси марказий аппаратини сақлаш харажатлари, капитал қўйилмалар ва бошқа харажатлар, шунингдек мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс эттирилади.

90. 7 060 000 «Уй-жой ва коммунал хизматлар» бўлими бўйича уй-жой қурилиши, коммунал ривожлантириш, сув таъминоти, кўчаларни ёритиш, шаҳар ва туманларни ободонлаштириш, уй-жой ва коммунал хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари, шунингдек бошқа тоифаларга киритилмаган уй-жой ва коммунал хизматлари тўлови харажатлари акс эттирилади.

91. 7 061 000 «Уй-жой қурилиши» бўлими бўйича сертификатли уй-жой қурилишини ривожлантириш харажатлари, Ипотека кредити беришни қўллаб-

қувватлаш жамғармаси харажатлари, шунингдек мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс эттирилади.

92. 7 062 000 «Коммунал ривожлантириш» бўлимида коммунал ривожлантириш харажатлари, хусусан, шаҳарлар, қишлоқлар, туман марказлари, шаҳар посёлкалари ва бошқа аҳоли пунктларида дренаж ишлари билан боғлиқ харажатлар, шунингдек, мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс эттирилади.

93. 7 063 000 «Сув таъминоти» бўлимида сув билан таъминлаш харажатлари, шунингдек мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар харажатлари акс эттирилади.

94. 7 064 000 «Кўчаларни ёритиш» бўлими бўйича шаҳарлар, туман қишлоқ марказлари, шаҳар посёлкалари ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларининг ташқи ёритиш тармоқларини сақлаш ва фойдаланиш харажатлари, шунингдек мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс эттирилади.

95. 7 065 000 «Ободонлаштириш» бўлими бўйича шаҳарлар, туман ва қишлоқ марказлари, шаҳар посёлкалари ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш харажатлари, шунингдек мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс эттирилади.

96. 7 068 000 «Уй-жой ва коммунал хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари» бўлимида уй-жой ва коммунал хўжалиги соҳасидаги илмий ва амалий тадқиқот харажатлари, жумладан, уй-жой ва коммунал хўжалиги соҳасидаги фанга хизмат қилувчи ноёб объектлар ва муассасалар, катта илмий ва инвестицион лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш, илмий-техник дастурларнинг устувор йўналишлари ва инновацион ишланмалар харажатлари, шунингдек мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс эттирилади.

97. 7 069 000 «Бошқа тоифаларга киритилмаган уй-жой ва коммунал хизматлари» бўлимида бюджет ажратмалари, бюджет ссудалари ва бошқа манбалар ҳисобидан капитал қўйилмалар харажатлари, жумладан бошқа харажатлар, шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш бўйича тадбирларни ўз ичига олувчи бошқа харажатлар ва мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс эттирилади.

98. 7 070 000 «Соғлиқни сақлаш» бўлими бўйича тиббиёт буюмлари, асбоб-ускуналари ва аппаратларини сотиб олиш, умумий соҳадаги тиббиёт ва касалхоналар хизматлари, амбулатория ҳамда махсус амбулатор-поликlinik хизматлари, тез ёрдам ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам муассасалари ва қон қўйиш муассасаларининг хизматлари, туғруқхоналар ва болалар уйлари (оналик ва болалиқни ҳимоя қилиш) хизматлари, санаториялар ва беморларни даволовчи уйлар ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги бошқа хизматлар, санитария-эпидемиология назорати, соғлиқни сақлаш соҳасидаги илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари, бошқа тоифаларга киритилмаган соғлиқни сақлаш масалалари харажатлари акс эттирилади.

99. 7 071 000 «Тиббиёт буюмлари, асбоб-ускуналари ва аппаратлари»



бўлимида фармацевтика маҳсулотлари ва бошқа буюмлар, шунингдек, даволаш асбоб-ускуналари ва аппаратларни сотиб олиш харажатлари акс эттирилади.

100. 7 072 000 «Амбулатория хизматлари» бўлими бўйича умумий соҳадаги тиббиёт хизматлари, махсус амбулатор-поликлиника хизматлари ҳамда тез ва кечиктириб бўлмайдиган ёрдам хизматлари ва қон қуйиш муассасалари хизматларининг харажатлари акс эттирилади.

101. 7 073 000 «Касалхоналар хизматлари» бўлими бўйича умумий соҳадаги касалхоналар хизмати, ихтисослашган касалхона муассасалари, туғруқхоналар ва болалар уйлари, санаторийлар ва тузалаётган беморлар учун уйларнинг хизматларининг харажатлари акс эттирилади.

102. 7 074 000 «Соғлиқни сақлаш соҳасидаги бошқа хизматлар» бўлими бўйича санитария-эпидемиология станцияларини, санитар таълим ва тиббий статистика муассасалари, ОИТСга қарши кураш марказлари ва суд-тиббиёт экспертизаси муассасалари харажатлари, шунингдек бошқа тоифаларга киритилмаган соғлиқни сақлаш соҳасидаги бошқа хизматларга харажатлар акс эттирилади.

103. 7 075 000 «Соғлиқни сақлаш соҳасидаги илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари» бўлими бўйича соғлиқни сақлаш соҳасидаги илмий ва амалий тадқиқотлар харажатлари, жумладан соғлиқни сақлаш соҳасидаги фанга хизмат қилувчи ноёб объектлар ва муассасалар, катта илмий ва инвестицион лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш, илмий-техник дастурларнинг устувор йўналишлари ва инновацион ишланмалар харажатлари акс эттирилади.

104. 7 076 000 «Бошқа тоифаларга киритилмаган соғлиқни сақлаш масалалари» бўлимида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий апаратини сақлаш, лойиҳаларни амалга ошириш бўйича, жумладан, «Саломатлик-2» лойиҳаси, «Аёллар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш» лойиҳаси харажатлари, тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари, капитал қўйилмалар харажатлари, шунингдек соғлиқни сақлаш бўйича бошқа тадбирлар ҳамда мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс эттирилади.

105. 7 080 000 «Дам олиш, маданият, спорт ва дин» бўлими бўйича дам олиш ва спорт билан шуғулланиш бўйича хизматлар, маданият соҳасидаги хизматлар, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги хизматлар, радиоэшиттириш ва телевизион кўрсатувлар ҳамда нашриёт ишлари ҳамда киномаҳсулот яратиш билан боғлиқ хизматлар, дин билан боғлиқ хизматлар ва бошқа жамоатчилик хизматлари, дам олиш, маданият, спорт ва дин соҳасидаги илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишланмалари, шунингдек бошқа тоифаларга киритилмаган дам олиш, маданият, спорт ва дин масалалари харажатлари акс эттирилади.

106. 7 081 000 «Дам олиш ва спорт билан шуғулланишни ташкил қилиш бўйича хизматлар» бўлимида дам олиш ва спорт билан шуғулланишни ташкил этиш харажатлари акс эттирилади.

107. 7 082 000 «Маданият соҳасидаги хизматлар» бўлимида кутубхона-

лар, музейлар, кўргазмалар ва кўргазма заллари, саройлар ва маданият уйлари, клублар ва клуб типигаги муассасалар, ижодиёт уйлари, ижодий уюшмалар, театрлар, филармониялар, мусиқа жамоалари ва ансамблларини сақлаш харажатлари, таъмирлаш ишлари ўтказишни назарда тутувчи тадбирларни молиялаштириш харажатлари, маданият бўйича бошқа муассасалар харажатлари, шунингдек мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс эттирилади.

108. 7 083 000 «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги хизматлар» бўлимида жисмоний тарбия бўйича тадбирлар, спорт иншоотлари, универсал спорт саройини, Ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш Республика марказини сақлаш харажатлари, шунингдек мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс эттирилади.

109. 7 084 000 «Радиоэшиттириш ва телевидения кўрсатувлари, нашриёт ишлари, шунингдек киномаҳсулот яратиш билан боғлиқ хизматлар» бўлимида киномаҳсулотлар яратиш бўйича, радиоэшиттиришлар ва телевидения кўрсатувлари, даврий матбуот, нашриётлар, оммавий ахборот воситалари харажатлари ҳамда мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс эттирилади.

110. 7 085 000 «Дин билан боғлиқ хизматлар ва бошқа жамоатчилик хизматлари» бўлимида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитани, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказни, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссиясини, Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитасини, Республика Маънавият тарғибот марказини сақлаш харажатлари, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш харажатлари ҳамда мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс эттирилади.

111. 7 088 000 «Дам олиш, маданият, спорт ва дин соҳасидаги илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари» бўлимида дам олиш, маданият, спорт ва дин соҳаларидаги илмий ва амалий тадқиқотлар харажатлари, жумладан, дам олиш, маданият, спорт ва дин соҳасидаги фанга хизмат қилувчи ноёб объектлар ва муассасалар, катта илмий ва инвестицион лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш, илмий-техник дастурларнинг устувор йўналишлари ва инновацион ишланмалар харажатлари, шунингдек мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс эттирилади.

112. 7 089 000 «Бошқа тоифаларга киритилмаган дам олиш, маданият, спорт ва дин масалалари» бўлимида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги марказий аппаратини ва унинг ҳудудий бўлинмаларини сақлаш, санъат бўйича бошқа тадбирлар, маданий-маърифий муассасалар ва тадбирлар харажатлари, шунингдек бюджет ажратмалари, бюджет ссудалари ва бошқа манбалар ҳисобидан капитал қўйилмалар ҳамда бошқа тадбирлар харажатлари акс эттирилади.

113. 7 090 000 «Таълим» бўлими бўйича мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, олий таълим, босқичларга бўлинмаган таълим, таълим тизимида

ёрдамчи хизматлар, таълим соҳасидаги бошқарув хизматлари, таълим соҳасидаги илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишланмалари, шунингдек, бошқа тоифаларга киритилмаган таълим харажатлари акс этирилади.

114. 7 091 000 «Мактабгача таълим» бўлимида болалар мактабгача таълим муассасалари, мактабгача мактаб — болалар ташкилотлари харажатлари, шунингдек мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс этирилади.

115. 7 092 000 «Умумий ўрта таълим» бўлимида бошланғич ва ўрта мактаблар, мактаб-интернатлар, алоҳида режимдаги мактаб-интернатлар, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларини сақлаш харажатлари, шунингдек мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс этирилади.

116. 7 094 000 «Олий таълим» бўлимида олий таълим муассасалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактабини сақлаш харажатлари, шунингдек мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс этирилади.

117. 7 095 000 «Босқичларга бўлинмаган таълим» бўлимида меҳрибонлик уйлари, болалар шаҳарчалари, «SOS — Ўзбекистон Болалар маҳаллалари»ни сақлаш харажатлари, шунингдек мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс этирилади.

118. 7 096 000 «Таълим тизимида ёрдамчи хизматлар» бўлимида болалар билан мактабдан ташқари ишлар бўйича тадбирларга ва ташкилотларга, йўналишли тадбирлар ва малака ошириш институтларини сақлаш, халқ таълими бўйича услубий ишлар, техник тарғиботлар ва бошқа тадбирлар харажатлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси харажатлари, мусиқа ва санъат болалар мактаблари, Спорт турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактаблари, шунингдек кадрлар тайёрлаш бўйича бошқа ўқув муассасаларини сақлаш харажатлари ҳамда мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс этирилади.

119. 7 097 000 «Таълим соҳасидаги илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари» бўлимида таълим соҳасидаги илмий ва амалий тадқиқот харажатлари, жумладан, таълим соҳасидаги фанга хизмат қилувчи ноёб объектлар ва муассасалар, катта илмий ва инвестицион лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш, илмий-техник дастурларнинг устувор йўналишлари ва инновацион ишланмалар харажатлари, шунингдек мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс этирилади.

120. 7 098 000 «Бошқа тоифаларга киритилмаган таълим масалалари» бўлимида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигини, Ўрта махсус, касб-хунар таълим марказини, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги марказий аппаратини ва унинг ҳудудий бўлинмаларини сақлаш харажатлари, шунингдек бюджет ажратмалари, бюджет ссу-

далари ва бошқа манбалар ҳисобидан капитал қўйилмалар харажатлари, шунингдек бошқа харажатлар ва мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс этирилади.

121. 7 100 000 «Ижтимоий ҳимоя» бўлими бўйича касаллик, меҳнатга лаёқатсизлик ва кам таъминланганлик харажатлари, жумладан, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар ва кам таъминланганларни қўллаб-қувватлаш, қариллик таъминоти, оила ва болаларни қўллаб-қувватлаш, ишсизлик, уй-жой билан таъминлаш бўйича ёрдам харажатлари, Чернобиль АЭС халокати оқибатларини бартараф этишда қатнашганларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича харажатлар, ижтимоий муҳофаза соҳасида илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишланмалари, бошқа тоифаларга киритилмаган ижтимоий муҳофаза масалалари харажатлари акс этирилади.

122. 7 101 000 «Касалликлар, меҳнатга лаёқатсизлик ва кам таъминланганлик» бўлимида болаликдан ногиронларга нафақалар, ногиронларни ўқитиш ва иш билан таъминлаш, қариялар ва ногиронлар учун санаториялар ва интернат-уйлари, кичик ёшдаги ногирон болалар учун интернат-уйлари, шунингдек мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс этирилади.

123. 7 102 000 «Қариллик» бўлими бўйича уйда ижтимоий ёрдам хизмати бўлимлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ижро этувчи аппаратини ва унинг худудий бўлинмаларини сақлаш харажатлари, пенсия, нафақа ва компенсация тўловларини тўлаш ва етказиб бериш харажатлари, бланка маҳсулотлари ва пенсия рухсатномаларини тайёрлаш, пенсия тўлаш ведомостлари учун қоғоз сотиб олиш, мамлакат ташқарисига пенсия ишларини ўтказиш харажатлари, ташкилотларда пенсия ва нафақаларнинг тўғри тайинланишини текшириш учун сафар харажатлари ҳамда ҳарбий хизматчиларга пенсия ва нафақалар харажатлари, шунингдек мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар харажатлари акс этирилади.

124. 7 103 000 «Оила ва болалар» бўлимида 18 ёшгача боласи бўлган оилаларга ҳар ойлик нафақалар, 2 ёшгача бўлган болаларни парваришлаётган оналарга ҳар ойлик нафақалар, кам даромадли оилаларга ҳар ойлик моддий ёрдамлар, табиий офатлар натижасида зарар кўрган оилаларга моддий ёрдамлар харажатлари ҳамда мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс этирилади.

125. 7 104 000 «Ишсизлик» бўлимида ишсизлик бўйича нафақалар, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларининг таклифига биноан ишлаш учун бошқа жойга ихтиёрий равишда кўчиб ўтиш учун компенсациялар тўлаш ва қонун ҳужжатларига мувофиқ ишсизларга моддий ёрдам бериш, ҳақ тўланадиган жамоат ишларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маблағ билан таъминлаш, ишсизларга муддатидан олдин пенсия тайинланганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси харажатларини қоплаш, шунингдек мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс этирилади.

126. 7 105 000 «Уй-жой» бўлимида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида уйларни эксплуатация қилиш бўйича харажатларни тўлиқ ёки қисман қоплашга харажатлар, шунингдек, мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс эттирилади.

127. 7 106 000 «Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича харажатлар» бўлимида Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатларини бартараф этишда қатнашган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш харажатлари, имтиёз ва компенсацияларни тўлаш харажатлари, ижтимоий суғурта бўйича харажатлар, пенсия таъминоти бўйича имтиёзлар бериш билан боғлиқ тўловлар акс эттирилади.

128. 7 108 000 «Ижтимоий муҳофаза соҳасида илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари» бўлимида ижтимоий ҳимоя соҳасидаги илмий ва амалий тадқиқот харажатлари, жумладан, ижтимоий ҳимоя соҳасидаги фанга хизмат қилувчи ноёб объектлар ва муассасалар, катта илмий ва инвестицион лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш, илмий-техник дастурларнинг устувор йўналишлари ва инновацион ишланмалар харажатлари, шунингдек мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар акс эттирилади.

129. 7 109 000 «Бошқа тоифаларга тегишли бўлмаган ижтимоий муҳофаза масалалари» бўлимида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги марказий аппаратини ва унинг ҳудудий бўлинмаларини сақлаш харажатлари, Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси харажатлари, ижтимоий таъминотнинг бошқа тадбирлари, ижтимоий мослашув марказларини, Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация марказини, ногиронлар учун минтақавий реабилитация марказларини сақлаш харажатлари, зарарни қоплаш, шунингдек бюджет ажратмалари, бюджет ссудалари ва бошқа манбалар ҳисобидан капитал қўйилмалар, шунингдек бошқа харажатлар акс эттирилади.

130. Иқтисодий харажатлар таснифи Ўзбекистон Республикаси барча даражадаги бюджетлари харажатларини хўжалик белгиларига, ишлаб чиқариш элементларига кўра фарқлашни назарда тутаяди, давлат бошқарувида амалга ошириляётган харажатларнинг иқтисодий мазмунидан келиб чиқиб бюджет харажатлари йўналишларини белгилаб беради. Давлат бюджетининг иқтисодий харажатлар таснифининг тузилмаси қуйидаги кўринишда бўлади:

Тоифа	Модда ва кичик модда	Элемент
xx	xx	xxx

131. Иқтисодий харажатлар таснифи тоифалар, моддалар ва кичик моддалар кодларини ўз ичига олган 7 рақамдан иборат.

тоифа — 2 та рақам;

модда — 1 та рақам;

кичик модда — 1 та рақам;

элемент — 3 та рақам.

132. 41 00 000 «Ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш» тоифаси меҳнат қонунчилигига мувофиқ бюджет ташкилотлари ишчиларига бажарган (бажарилаётган) ишига пул ёки натура кўринишида тақдирлаш лозим бўлган харажатларни акс эттиради. Мазкур тоифага ижтимоий суғурта дастурига ишчилар номидан иш берувчиларнинг амалга оширадиган «Иш ҳақи» (41 10 000) ва «Ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар/бадаллар» (41 20 000) моддалари киради.

133. 41 10 000 «Иш ҳақи» моддаси иш берувчи томонидан давлат хизматчиларига бериладиган барча тўловларни ўз ичига олади ва унга 41 11 000 «Пул шаклидаги иш ҳақи» кичик моддаси ҳам киради.

134. 41 11 000 «Пул шаклидаги иш ҳақи» кичик моддаси қуйидаги элементлардан иборат: 41 11 100 «Асосий иш ҳақи», 41 11 200 «Иш ҳақиға устама ва қўшимча тўловлар», 41 11 210 «Умумтаълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг Директор жамғармаси маблағлари», 41 11 220 «Тиббиёт ташкилотлари ходимларига устама ва қўшимчалар».

135. 41 11 100 «Асосий иш ҳақи» элементи — бу Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий битимлари бўйича жисмоний шахсларга ҳисобланадиган ва тўланадиган тўловлар ҳисобланиб, предмети иш бажариш ва хизмат кўрсатиш бўлиб ҳисобланади, шу жумладан:

тўловлар: лавозим маошлари, ягона тариф сеткаси бўйича тариф ставкалари, соатбай ҳақ тўлаш, ҳарбий ва махсус унвонлар бўйича;

мукофотлар, моддий ёрдамлар, йиллик иш якунлари бўйича тақдирлаш, муаллифлик, ижрочилик ва постановка учун мукофотлар ва бошқа мукофот ва рағбатлантириш тўловлари;

йиллик меҳнат таътиллари, ўқув таътиллари, фойдаланилмаган таътил учун компенсация тўловлари;

ходимларнинг касбий тайёргарлик, малака ошириш, ёки бошқа касбларга ўрганиш даври учун, тиббий текширув кунлари, қон топшириш ва донор-ходимларга тақдим қилинадиган дам олиш даври, давлат ёки жамоат мажбуриятларини бажаришда иштирок этиш кунлари учун тўловлар;

бошқа шунга ўхшаш харажатлар.

136. 41 11 200 «Иш ҳақиға устама ва қўшимча тўловлар» элементи қуйидагилар учун барча устамаларни ўз ичига олади:

малакавий разряд (мартаба даражаси, дипломатик мартаба);

давлат ва бошқа хизматларнинг ўзига хос шартлари;

узоқ хизмат муддати учун;

қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган табиий-иқлим шароитлари ноқулай бўлган жойлардаги ишлар билан боғлиқ қўшимча тўловлар (иш стажи учун устамалар, баланд тоғли, чўл ва сувсиз ҳудудларда ишлаганлик учун белгиланган коэффицентлар бўйича тўловлар);

махфийлик даражасига эга бўлган маълумотлар билан ишлаганлик;

шифр иши хавфсизлиги;

махсус режимдаги ишлар;  
давлат сири билан ишлаш ҳуқуқи;  
ўзига хос шароит;  
доцент ва профессор лавозимлари;  
илмий унвон;  
илмий даража;

тунги вақтда, байрам ва дам олиш кунларида ишлаганлик учун ва бошқа устамалар.

137. 41 11 210 «Умумтаълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг Директор жамғармаси маблағлари» қуйидаги харажатларни ўз ичига олади:

умумтаълим муассасаларида ўртак кўрсатган ўқитувчиларнинг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устама тўловлари;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг фақат юксак касб маҳоратига эга бўлган ва ўқув-тарбия жараёни сифати ошишига аниқ шахсий ҳисса қўшаётган ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устама тўловлари;

фақат тежалган маблағлар мавжуд бўлгандагина ходимларнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги бўйича тўланмаган нафақаларни молиялаштиришга;

умумтаълим, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларига бир йўла мукофот ва моддий ёрдам кўрсатиш тўловлари.

138. 41 11 220 «Тиббиёт ташкилотлари ходимларига устама ва қўшимчалар» элементи ўртак кўрсатган тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш харажатларини ўз ичига олади.

139. 41 20 000 «Ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар/бадаллар» моддаси ходимларни ижтимоий нафақалар, жумладан пенсия ва бошқа харажатларни таъминлаш мақсадида қонунчиликка мувофиқ давлат бошқаруви сектори бирликлари томонидан амалга ошириладиган, ҳақиқатда ўтказиладиган ёки шартли ҳисоб-китоб қилинадиган тўловларни ўз ичига олади.

140. Мазкур моддага 41 21 100 «Ягона ижтимоий тўлов» ва 41 21 200 «Ижтимоий эҳтиёжларга бошқа ажратмалар/бадаллар» элементларини ўз ичига олган 41 21 000 «Ижтимоий эҳтиёжларга ҳақиқатда қилинадиган ажратмалар/бадаллар» кичик моддаси, шунингдек 41 22 000 «Шартли ҳисобланадиган ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар/бадаллар» кичик моддаси киради.

141. 41 21 100 «Ягона ижтимоий тўлов» элементига иш берувчиларнинг қонунчиликка мувофиқ белгиланган миқдорларда иш ҳақи фондидан ажратмалари бўйича харажатлари киради.

142. 41 21 200 «Ижтимоий эҳтиёжларга бошқа ажратмалар/бадаллар» элементи суғурта тарифлари бўйича мажбурий тиббий суғуртага, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси бўйича бадалларни, шунингдек, ижтимоий эҳтиёжларга бошқа бадаллар ва ажратмаларни ўз ичига олади.

143. 42 00 000 «Товар ва хизматлар бўйича харажатлар» тоифаси бюджет ташкилотлари томонидан товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун

сотиб олинган товарлар ва хизматлардан таркиб топади ва қуйидаги моддаларни ўз ичига олади:

42 10 000 «Хизмат сафарлари харажатлари»;

42 20 000 «Коммунал хизматлари»;

42 30 000 «Сақлаб туриш ва жорий таъмирлаш»;

42 40 000 «Ижара бўйича харажатлар»;

42 50 000 «Моддий айланма воситалар захираларига харажатлар»;

42 90 000 «Товар ва хизматлар сотиб олиш учун бошқа харажатлар».

144. 42 10 000 «Хизмат сафарлари харажатлари» моддасида республика ҳудудидаги (42 11 000 кичик моддаси) ва Ўзбекистон Республикаси ташқарисидаги (42 12 000 кичик моддаси) хизмат сафарлари ва хизматга оид юришлар билан боғлиқ бўлган барча харажатлар ҳисобга олинади.

145. 42 11 000 «Республика ҳудудида» кичик моддаси мамлакат ичидаги барча хизмат сафарлари ва хизматга оид юришлар билан боғлиқ бўлган харажатларни ўз ичига олади.

146. 42 12 000 «Чет давлатларга чиқиш билан боғлиқ» кичик моддаси Ўзбекистон Республикаси ташқарисидаги хизмат сафарлари ва хизматга оид юришлар билан боғлиқ бўлган харажатларни ўз ичига олади.

147. 42 20 000 «Коммунал хизматлари» моддасига давлат бошқарув сектори бирликларининг ўз эҳтиёжларини таъминлаш учун кўрсатиладиган коммунал хизмат шартномалари тўлови, жумладан: электроэнергия (42 21 000 кичик моддаси), табиий газ (42 22 000 кичик моддаси), иссиқ сув ва иссиқлик энергияси (42 23 000 кичик моддаси), совуқ сув ва оқова (42 24 000 кичик моддаси) ҳамда ахлатларни йиғиштириш ва олиб чиқиб кетиш хизмати учун, шунингдек энергетик ва бошқа ресурслар олиш (бензин ва бошқа ЁММлардан ташқари) (42 25 000 кичик моддаси) харажатлари киради, шу жумладан:

42 21 000 «Электроэнергия» кичик моддасида жорий хўжалик мақсадлари учун электроэнергия қийматини тўлаш бўйича харажатлар ҳисобга олинади;

42 22 000 «Табиий газ» кичик моддасида жорий хўжалик мақсадлари учун табиий газ қийматини тўлаш бўйича харажатлар ҳисобга олинади;

42 23 000 «Иссиқ сув ва иссиқлик энергияси» кичик моддасида жорий хўжалик мақсадлари учун иссиқ сув ва иссиқлик энергияси қийматини тўлаш бўйича харажатлар ҳисобга олинади;

42 24 000 «Совуқ сув ва оқова» кичик моддасига жорий хўжалик мақсадлари учун совуқ сув ва оқова қийматини тўлаш бўйича харажатлар ҳисобга олинади;

42 25 000 «Чиқиндиларни тозалаш, олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ хизматлар ҳамда энергетик ва бошқа ресурслар (бензин ва бошқа ЁММлардан ташқари)ни сотиб олиш» кичик моддасида чиқиндиларни тозалаш ва олиб чиқиб кетиш ҳамда бензин ва бошқа ЁММлардан ташқари энергия ва бошқа ресурсларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинади.

148. 42 30 000 «Сақлаб туриш ва жорий таъмирлаш» моддасига асосий воситаларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, жумладан, асосий во-



ситаларнинг қиймати ёки иш тавсифининг ўзгаришига олиб келмайдиган бинолар, хоналар, иншоотлар (жумладан, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари тизими), асбоб-ускуналарга ва анжомларга техник хизмат кўрсатиш ва жорий таъмирлаш ҳамда улар бузилганда уларни тегишли ишчи ҳолатида сақлаб туриш харажатлари киради. Шунингдек, ушбу модда бюджет ташкилотларининг оператив бошқарувида бўлган ёки ўз эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида ижарада бўлган номолиявий активларини сақлаш, масалан, хоналарни, биноларни, ҳовлиларни ёки бошқа мол-мулкларни тозалашда сақлаб туриш (жумладан, тозалаш, дезинфекция, дератизация, санитар-гигиеник хизмат қилиш) харажатларини ўз ичига олади, жумладан:

42 31 000 «Ер» кичик моддаси ерни сақлаш ва сифатини ошириш билан боғлиқ барча харажатларни ўз ичига олади;

42 32 000 «Бино» кичик моддаси бинони сақлаш ва жорий таъмирлаш билан боғлиқ барча харажатларни ўз ичига олади ва ўз навбатида қуйидаги элементларга бўлинади:

42 32 100 «Тураржой бинолари» уй-жой сифатида фойдаланиладиган биноларни, жумладан гараж ва бошқа уй-жой билан боғлиқ иншоотларни, сақлаш ва жорий таъмирлаш билан боғлиқ харажатлар;

42 32 200 «Нотурар жой бинолари» уй-жой биноларидан ташқари бошқа барча биноларни сақлаш ва жорий таъмирлаш билан боғлиқ харажатлар;

42 33 000 «Иншоот» бошқа иншоотларни сақлаш ва жорий таъмирлаш билан боғлиқ барча харажатлар киради ва қуйидаги элементларга бўлинади:

42 33 100 «Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари», уларни сақлаш ва жорий таъмирлаш билан боғлиқ барча харажатларни ўз ичига олади;

42 33 900 «Бошқа иншоотлар», автомобиль йўлларида ташқари бошқа барча иншоотларни сақлаш ва жорий таъмирлаш билан боғлиқ харажатлар;

42 34 000 «Машиналар, жиҳозлар ва техника» кичик моддаси машиналар, жиҳозлар ва техникани сақлаш ва жорий таъмирлаш билан боғлиқ харажатларни ўз ичига олган бўлиб, транспорт воситалари (42 34 100 элементи) ва бошқа машиналар, жиҳозлар ва техника ва ўтказгич қурилмалар (42 34 900 элементи)га бўлинади, шу жумладан қуйидаги элементлар бўйича:

42 34 100 «Транспорт воситалари» одамлар ва буюмлар ташишга мўлжалланган транспортлар воситаларини сақлаш ва жорий таъмирлаш бўйича харажатларни ўз ичига олади;

42 34 900 «Бошқа машиналар, жиҳозлар, техника ва ўтказгич қурилмалар»га транспорт воситаларидан ташқари бошқа барча машиналар, жиҳозлар, техника ва ўтказгич қурилмаларини сақлаш ва жорий таъмирлаш билан боғлиқ харажатлар киради ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

42 34 910 «Мебель ва офис жиҳозлари»га офис жиҳозлари ва мебелларни сақлаш ва жорий таъмирлаш билан боғлиқ барча харажатлар;

42 34 920 «Компьютер жиҳозлари, ҳисоблаш ва аудио-видео техника»га компьютер жиҳозлари, ҳисоблаш ва аудио-видео техникаларни сақлаш ва жорий таъмирлаш билан боғлиқ барча харажатлар;

42 34 930 «Электр энергия ва бошқа коммунал хизматларни ҳисобга олиш асбоблари»га электроэнергия, газ, сув ва иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш

асбобларини сақлаш, жорий таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар;

42 34 990 «Бошқа машиналар, жиҳозлар ва техника»га юқоридаги элементларда кўрсатилмаган бошқа барча машиналар, жиҳозлар ва техникаларни сақлаш ва жорий таъмирлаш билан боғлиқ харажатлар.

42 39 000 «Сақлаб туриш ва жорий таъмирлаш бўйича бошқа турдаги харажатлар» кичик моддаси сақлаш ва жорий таъмирлаш билан боғлиқ бошқа турдаги харажатларни ўз ичига олади.

149. 42 40 000 «Ижара бўйича харажатлар» моддасига ўз эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида тузилган мол-мулк ижара шартномасига мувофиқ бюджет ташкилотларининг активлари: ер, бино, иншоот, уй-жой, транспорт воситаларини ижарага олганлик учун тўлов харажатларини ўз ичига олади ва қуйидаги элементлардан ташкил топган:

42 41 000 «Ер»;

42 42 000 «Бино»;

42 42 100 «Тураржой бинолари»;

42 42 200 «Нотурар жой бинолари»;

42 43 000 «Иншоот»;

42 44 000 «Машиналар, жиҳозлар ва техника»;

42 44 100 «Транспорт воситалари»;

42 44 900 «Бошқа машиналар, жиҳозлар ва техника»;

42 44 910 «Мебель ва офис жиҳозлари»

42 44 920 «Компьютер жиҳозлари, ҳисоблаш ва аудио-видео техника»;

42 44 990 «Бошқа машиналар, жиҳозлар ва техника»;

42 49 000 «Ижара бўйича бошқа харажатлар» 42 41 000, 42 42 000, 42 43 000 ва 42 44 000 кичик моддаларида кўрсатилмаган мол-мулк ижараси бўйича бошқа турдаги харажатларни ўз ичига олади.

150. 42 50 000 «Моддий айланма воситалар захираларига харажатлар» ўзида моддий айланма воситалар захираларини сотиб олиш ва фойдаланиш билан боғлиқ, яъни давлат бошқаруви сектори бирликларида сақланадиган, сотиладиган, ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ёки келгусида бошқа мақсадларда фойдаланиш учун товар ва хизматлар харажатларини ифодалайди ва ўз навбатида стратегик захиралар (42 51 000 кичик моддаси) ва бошқа моддий айланма воситалар бўйича харажатларга (42 52 000 кичик моддаси) бўлинади.

151. 42 51 000 «Стратегик захиралар» кичик моддаси стратегик мақсадлар ва фавқулодда вазиятлар учун сақланадиган, бозорларни тартибга солиш мақсадида ваколатли ташкилотлар томонидан сақланадиган, шунингдек давлат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган товарларни сотиб олиш ва фойдаланиш харажатларини ифодалайди, жумладан қуйидаги элементлар бўйича:

42 51 100 «Давлат захиралари» давлат захираларини яратиш мақсадида муҳим аҳамиятга эга товарларни сотиб олиш ва фойдаланиш билан боғлиқ харажатларни акс эттиради;

42 51 200 «Озиқ-овқат захиралари» захиралар яратиш мақсадида озиқ-

овқат товарларини сотиб олиш ва фойдаланиш билан боғлиқ харажатларни акс эттиради;

42 51 900 «Бошқа стратегик захиралар» келажакдаги захираларни яратиш мақсадида бошқа стратегик турдаги товарларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатларни акс эттиради.

152. 42 52 000 «Бошқа моддий айланма воситалар» кичик моддасида бюджет ташкилотлари томонидан товар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун ресурс сифатида ишлатиладиган моддий айланма воситаларни сотиб олиш ва фойдаланиш билан боғлиқ харажатларни акс эттиради ва қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

42 52 100 «Товар-моддий захиралар» бюджетдан маблағ олувчиларнинг хўжалик эҳтиёжлари учун сотиб олинмаган ва фойдаланиладиган товар моддий захиралари билан боғлиқ харажатларни акс эттиради, кийим-кечак, пойабзал ва чойшаб-филофлар (42 52 200 элементи), озиқ-овқат маҳсулотлари (42 52 300 элементи), дори-дармонлар, тиббиётда фойдаланиладиган воситалар, вакциналар ва бактериологик препаратлар (42 52 400 элементи), ёнилғи ва ЁММ (42 52 500 элементи) ва кўмир (42 52 600 элементи) бундан мустасно;

42 52 200 «Кийим-кечак, пойабзал ва чойшаб-филофлар» хўжалик эҳтиёжлари учун кийим-кечак, пойабзал ва чойшаб-филофларни сотиб олиш ва фойдаланиш харажатларини акс эттиради;

42 52 300 «Озиқ-овқат маҳсулотлари» бюджет ташкилотининг хўжалик эҳтиёжи учун озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш харажатларини акс эттиради;

42 52 400 «Дори-дармонлар, тиббиётда фойдаланиладиган воситалар, вакциналар ва бактериологик препаратлар» дори-дармонлар, тиббиётда фойдаланиладиган воситаларни (42 52 410 элементи) ҳамда вакциналар ва бактериологик препаратларни (42 52 420 элементи) сотиб олиш харажатларини акс эттиради;

42 52 500 «Ёнилғи ва ЁММ» бюджет ташкилотларининг хўжалик ва техник эҳтиёжлари учун ёнилғи ва ЁММларни сотиб олиш харажатларини акс эттиради;

42 52 600 «Кўмир» элементи бюджет ташкилотларининг хўжалик эҳтиёжлари учун кўмир сотиб олиш билан боғлиқ харажатларини акс эттиради;

42 52 900 «Моддий воситаларнинг бошқа захиралари» 42 52 100, 42 52 200, 42 52 300, 42 52 400, 42 52 500 ва 42 52 600 элементларида кўрсатилмаган моддий воситалар захираларининг бошқа турдаги харажатларини ўз ичига олади.

153. 42 90 000 «Товар ва хизматлар сотиб олиш учун бошқа харажатлар» моддасига юқорида 42 00 000 «Товар ва хизматлар бўйича харажатлар» тоифасида кўрсатилмаган бошқа турдаги товар ва хизматларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар киради, шу жумладан кичик моддалар бўйича:

42 91 000 «Ўқитиш харажатлари»га кадрлар малакасини ва кўрсатилмаган хизматлар сифатини ошириш мақсадида бюджет ташкилотлари ходим-

ларини ўқитиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун тўлов харажатлари киради;

42 92 000 «Телефон, телекоммуникация ва ахборот хизматлари» телефон, телекоммуникация ва ахборот хизматлари тўлови учун йўналтирилган харажатларни акс эттиради, жумладан элементлар бўйича:

42 92 100 «Телефон, телеграф ва почта хизматлари»да телефон, факс ва бошқа воситалар орқали маълумот узатиш ва уларни ўрнатиш ҳамда почта-телеграф хизматларидан фойдаланиш харажатлари акс эттирилади;

42 92 200 «Ахборот ва коммуникация хизматлари»да ахборот хизматларини сотиб олиш, жумладан, телекоммуникация хизматлари (Интернет ва бошқалар) ва маълумотлар базасидан фойдаланиш тўловлари ҳамда маълумотларни қайта ишлаш хизматлари билан боғлиқ харажатлар акс эттирилади;

42 93 000 «Объектларни қўриқлаш хизматлари» бюджет ташкилотлари объектларини қўриқлаш бўйича хизматлар тўлови билан боғлиқ харажатларни акс эттиради;

42 99 000 «Товар ва хизматлар сотиб олиш учун бошқа харажатлар» мазкур модданинг 42 91 000, 42 92 000 ва 42 93 000 кичик моддаларига кирмаган товар ва хизматларни сотиб олишнинг барча харажатларини, шу жумладан илмий-тадқиқот ишлари харажатларини ўз ичига олади.

154. 43 00 000 «Асосий воситалар бўйича харажатлар» тоифасига бюджет ташкилотларида мавжуд бўлган активларни (моддий айланма воситалар бундан мустасно) ортишига олиб келадиган барча операциялар, шу жумладан, асосий воситаларни лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш, капитал ва ўрта таъмирлаш, сотиб олиш ва асосий воситалар бўйича бошқа харажатлари киради.

43 00 000 «Асосий воситалар бўйича харажатлар» тоифаси қуйидаги моддаларни ўз ичига олади:

43 10 000 «Асосий воситаларни лойиҳалаштириш»;

43 20 000 «Асосий воситаларни қуриш ва реконструкция қилиш»;

43 30 000 «Асосий воситаларни капитал таъмирлаш»;

43 40 000 «Асосий воситаларни ўрта таъмирлаш»;

43 50 000 «Асосий воситаларни сотиб олиш»;

43 90 000 «Асосий воситалар бўйича бошқа харажатлар».

155. 43 10 000 «Асосий воситаларни лойиҳалаштириш» моддаси асосий воситаларни, яъни бинолар (43 11 000 кичик моддаси) ва иншоотларнинг (43 12 000 кичик моддаси) лойиҳавий-тадқиқот ишлари билан боғлиқ харажатларни, шунингдек, асосий воситаларни лойиҳалаштириш бўйича бошқа харажатларни (43 19 000 кичик моддаси) ўз ичига олади.

156. 43 11 000 «Бино» кичик моддаси тураржой (43 11 100 элементи) ва нотурар жой (43 11 200 элементи) биноларини лойиҳалаштиришга доир харажатларни акс эттиради.

43 12 000 «Иншоот» умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари (43 12 100 элементи) ва бошқа иншоотларни (43 12 900 элементи) лойиҳалаштиришга харажатларни акс эттиради.

43 19 000 «Асосий воситаларни лойиҳалаштириш бўйича бошқа харажатлар» кичик моддаси мазкур модданинг 43 11 000 — 43 12 000 кичик моддаларида кўрсатилмаган асосий воситаларни лойиҳалаштириш харажатларини акс эттиради.

157. 43 20 000 «Асосий воситаларни қуриш ва реконструкция қилиш» моддаси номолиявий активларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича барча харажатларни ўз ичига олади ва ўз навбатида кичик моддалар бўйича:

43 21 000 «Бино» тураржой (43 21 100 элементи) ва нотурар жой (43 21 200 элементи) биноларини қуриш ва реконструкция қилишга доир барча харажатларни акс эттиради;

43 22 000 «Иншоот» умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари (43 22 100 элементи) ва бошқа иншоотларни (43 22 900 элементи) қуриш ва реконструкция қилишга доир харажатларни акс эттиради;

43 29 000 «Асосий воситаларни қуриш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ бошқа харажатлар» 43 21 000 — 43 22 000 кичик моддаларида кўрсатилмаган асосий воситаларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича бошқа барча харажатларни акс эттиради.

158. 43 30 000 «Асосий воситаларни капитал таъмирлаш» моддасида мавжуд активларнинг ишлаб чиқариш қуввати ошишига ва хизмат муддати узайишига олиб келувчи капитал таъмирлаш ёки уларнинг моҳиятан яхшиланиши билан боғлиқ харажатлар акс эттирилади, жумладан қуйидаги кичик моддалар бўйича:

43 31 000 «Бино» кичик моддаси тураржой (43 31 100 элементи) ва нотурар жой (43 31 200 элементи) биноларини капитал таъмирлаш билан боғлиқ барча харажатларни акс эттиради.

43 32 000 «Иншоот» умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари (43 32 100 элементи) ва бошқа иншоотларни (43 32 900 элементи) капитал таъмирлаш харажатларини акс эттиради.

43 33 000 «Транспорт воситалари, машиналар, жиҳозлар ва техника» барча турдаги транспорт воситалари, машиналар, жиҳозлар ва техникаларни капитал таъмирлаш билан боғлиқ харажатларни ўз ичига олади, транспорт воситалари (43 33 100 элементи) ва бошқа машиналар, жиҳозлар ва техника (43 33 900 элементи) элементларини ўз ичига олади.

43 39 000 «Асосий воситаларни капитал таъмирлаш бўйича бошқа харажатлар» ушбу модданинг 43 31 000 — 43 33 000 кичик моддаларда кўрсатилмаган асосий воситаларни капитал ва ўрта таъмирлаш бўйича бошқа барча харажатларни акс эттиради.

159. 43 40 000 «Асосий воситаларни ўрта таъмирлаш» асосий воситаларни ўрта таъмирлаш билан боғлиқ харажатларни, жумладан қуйидаги кичик моддалар бўйича акс эттиради:

43 41 000 «Бино» тураржой (43 41 100 элементи) ва нотурар жой (43 41 200 элементи) биноларини ўрта таъмирлаш билан боғлиқ барча харажатларни акс эттиради;

43 42 000 «Иншоот» умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари

(43 42 100 элементи) ва бошқа иншоотлар (43 42 900 элементи) билан боғлиқ ўрта таъмирлаш харажатларини акс эттиради;

43 43 000 «Транспорт воситалари, машиналар, жиҳозлар ва техника» барча турдаги транспорт воситалари, машиналар ва жиҳозларни ўрта таъмирлаш билан боғлиқ харажатларини акс эттиради ҳамда транспорт воситалари (43 43 100 элементи) ҳамда бошқа машиналар, жиҳозлар ва техника (43 43 900 элементи) харажатларини акс эттиради;

43 49 000 «Бошқа асосий воситаларни ўрта таъмирлаш бўйича бошқа турли кўринишдаги харажатлар» ушбу модданинг 43 41 000 — 43 43 000 кичик моддаларида кўрсатилмаган асосий воситалар бўйича бошқа ўрта таъмирлаш харажатларини акс эттиради.

160. 43 50 000 «Асосий воситаларни сотиб олиш» моддасида бюджет ташкилотларида мавжуд активларнинг кўпайишига олиб келувчи барча операциялар бўйича харажатларни, жумладан, қуйидаги кичик моддалар бўйича акс эттиради:

43 51 000 «Ер» ер сотиб олиш билан боғлиқ барча харажатларни акс эттиради;

43 52 000 «Бино» тураржой (43 52 100 элементи) ва нотурар жой (43 52 200 элементи) биноларини сотиб олиш билан боғлиқ барча харажатларни акс эттиради;

43 53 000 «Иншоот» барча турдаги иншоотларни сотиб олиш билан боғлиқ барча харажатларни акс эттиради;

43 54 000 «Машиналар, жиҳозлар ва техника» машиналар, жиҳозлар ва техника сотиб олиш билан боғлиқ барча турдаги харажатларни акс эттиради ва қуйидаги элементларга бўлинади:

43 54 100 «Транспорт воситалари» барча турдаги транспорт воситаларини сотиб олиш билан боғлиқ барча харажатларни акс эттиради;

43 54 900 «Бошқа машиналар, жиҳозлар ва техника» транспорт воситаларидан ташқари барча машиналар, жиҳозлар ва техника сотиб олиш харажатларини ўз ичига олади:

43 54 910 «Мебель ва офис жиҳозлари» мебель ва офис жиҳозларини сотиб олиш билан боғлиқ барча харажатларни акс эттиради;

43 54 920 «Компьютер жиҳозлари, ҳисоблаш ва аудио-видео техникаси, ахборот технологияси ва керакли ашёлар»ни сотиб олиш билан боғлиқ барча харажатларни акс эттиради;

43 54 930 «Электр энергия ва бошқа коммунал хизматларни ҳисобга олиш асбоблари»да электроэнергия, газ, сув, иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбобларини сотиб олиш билан боғлиқ барча харажатларни акс эттиради.

43 44 990 «Бошқа техника» 43 54 910 — 43 54 930 элементларида кўрсатилмаган бошқа турдаги машиналар, жиҳозлар ва техника сотиб олиш билан боғлиқ барча харажатларни акс эттиради.

43 55 000 «Асосий воситалар сотиб олиш бўйича бошқа турдаги харажатлар» бошқа турдаги асосий воситаларни сотиб олиш билан боғлиқ барча харажатларни ўз ичига олади ва қуйидаги элементларга бўлинади:

43 55 100 «Етиштириладиган активлар», етиштириладиган активларни,

яъни бошқа товар ва хизматлар ишлаб чиқаришда бир йилдан ортиқ кўп марта ёки тўхтовсиз ишлатиладиган хайвонлар, ўсимликлар сотиб олиш билан боғлиқ барча харажатларни ўз ичига олади;

43 55 200 «Номоддий активлар» ўз ичига номоддий активларни сотиб олиш билан боғлиқ барча харажатларни олади, жумладан, муаллифлик ҳуқуқи, патент, дастурий таъминот ва бошқа турдаги номоддий активлар;

43 55 300 «Кутубхона фонди», ўз ичига бюджет ташкилотларида кутубхона фондиди ташкил қилиш учун китоблари, ўқув қўлланмалари ва бошқа шу турдаги материалларни сотиб олиш билан боғлиқ барча харажатларни ўз ичига олади.

161. 44 00 000 «Фоизлар» тоифаси ички ва ташқи манбалардан олинган кредитлар ва қарзлар бўйича фоизларни тўлаш харажатларини ўз ичига олади.

Фоизлар кредитор томонидан тақдим этилган қарзнинг тўланмаган асосий қисмидан фойдаланилганлик учун тўловлар, яъни иқтисодий баҳосидир. Тўланадиган фоизнинг умумий суммаси норезидентларга тўланадиган фоиз тўловлари (44 10 000 моддаси), резидентларга тўланадиган, давлат бошқарув сектори бундан мустасно, фоиз тўловлари (44 20 000 моддаси) ва давлат бошқаруви секторининг бошқа бирликларига тўланадиган (44 30 000 моддаси) фоизларга бўлинади

162. 44 10 000 «Норезидентларга» моддаси ўз ичига қуйидаги кичик моддаларни олади:

хорижий кредитлар бўйича фоизлар (44 11 000) кичик моддаси ўз ичига хорижий давлатлар ҳукуматларига (44 11 100 элементи), халқаро ташкилотларга (44 11 200 элементи), молиявий ташкилотлар, халқаро ташкилотлар бундан мустасно (44 11 300 элементи) ва ушбу кичик модданинг 44 11 100 — 44 11 300 элементларида кўрсатилмаган бошқа норезидентларга (44 11 900 элементи) тўланадиган фоизларни олади;

қимматли қоғозлар бўйича фоизлар тўловлари (44 12 000) кичик моддаси ўз ичига ғазначилик векселлари (44 12 100 элементи) ва облигациялар (44 12 200 элементи) бўйича фоизлар тўлаш элементларини олади.

163. 44 20 000 «Резидентларга, давлат бошқарув сектори бундан мустасно» моддаси ўз ичига қуйидаги кичик моддаларни олади:

ички кредитлар бўйича фоиз тўловлари (44 21 000) кичик моддаси Марказий банк (44 21 100 элементи), тижорат банклари (44 21 200 элементи), бошқа молия ташкилотлари (44 21 300 элементи) ва номолия ташкилотлари (44 21 400 элементи) элементларига бўлинади;

қимматли қоғозлар бўйича фоизларга тўловлар (44 22 000) кичик моддаси ўз навбатида ғазначилик векселлари (44 22 100 элементи) ва облигациялар (44 22 200 элементи) бўйича фоизлар тўлаш элементларига бўланади.

164. 44 30 000 «Бошқа давлат бошқаруви сектори бирликларига» моддаси ўз ичига 44 10 000 ва 44 20 000 моддаларда кўрсатиб ўтилмаган бошқа институтлардан олинган кредитлар ва қарзлар бўйича фоиз тўловларини олади.

165. 45 00 000 «Субсидиялар» тоифасига давлат ва муниципал ташки-

лотларнинг зарарларини қоплаш харажатлари киритилади (уй-жой коммунал хўжалиги, транспорт ташкилотлари ва бошқалардан келиб тушадиган даромадлар).

Субсидиялар ташкилотларнинг ишлаб чиқариш фаолияти даражасидан ёхуд улар ишлаб чиқарадиган, сотадиган, экспорт ёки импорт қиладиган товар ва хизматларнинг миқдори ёки нархидан келиб чиққан ҳолда мазкур корхоналарга жорий бегараз тўловларни ифодалайди.

Субсидиялар капитал эмас, фақат жорий трансферт бўлади.

166. Субсидиялар дастлаб уни олувчининг давлат (45 10 000 модда) ёки хусусий ташкилот (45 20 000 модда) ёхуд нодавлат нотижорат ташкилоти (45 30 000 модда) эканлигига қараб, сўнгра, унинг молия ёки номолия ташкилот эканлигига қараб таснифланади. Натижада субсидиялар беш турдаги олувчиларга тақдим этилиши мумкин: номолиявий давлат ташкилотлари (45 11 000 кичик модда), молиявий давлат ташкилотлари (45 12 000 кичик модда), номолиявий хусусий ташкилотлар (45 21 000 кичик модда), молиявий хусусий ташкилотлар (45 22 000 кичик модда) ва нодавлат нотижорат ташкилотлари (45 30 000 модда).

167. 46 00 000 «Грантлар» тоифаси бир давлат бирлигидан бошқасига ёки хорижий давлатлар ҳукуматлари ва халқаро ташкилотларга тақдим этиладиган мажбурий бўлмаган жорий ёки капитал трансфертларни ифодалайди. Грантлар аввало грант олувчи институционал бирликнинг турига кўра, сўнгра грантнинг жорий ва капитал грантлигига қараб таснифланади.

168. Грант олувчилар тўрт турга бўлинади: хорижий давлатлар ҳукуматларига грантлар (46 10 000 модда), халқаро ташкилотларга грантлар (46 20 000 модда), нодавлат нотижорат ташкилотларига грантлар (46 30 000 модда) ва давлат бошқаруви секторининг бошқа бирликларига грантлар (46 40 000 модда).

Жорий грантлар жорий харажатларни амалга ошириш учун бериладиган ва уларни олувчи томонидан бирор-бир активни сотиб олишга қаратилмаган, шунингдек, бундай сотиб олишга боғлиқ бўлмаган мақсадларга берилади. Капитал грантлар олувчи томонидан бирор-бир активни сотиб олишни, ёки олувчи актив ёки активларни сотиб олиши учун (моддий айланма воситалари бундан мустасно) пул ўтказиш ёхуд активларни узатишни (моддий айланма воситалар ва пул маблағлари бундан мустасно), шунингдек кредитор ва дебитор ўртасидаги ўзаро келишувга кўра мажбуриятларни бекор қилишни ёки бошқа институционал бирликнинг қарзини ўзига олишни назарда тутди.

169. 46 10 000 «Хорижий давлатлар ҳукуматларига» моддаси жорий (46 11 000 кичик модда) ва капитал (46 12 000 кичик модда) грантлар кичик моддаларига бўлинади. Шунингдек, 46 20 000 «Халқаро ташкилотларга» моддаси жорий (46 21 000 кичик модда) ва капитал (46 22 000 кичик модда) грантлар кичик моддаларидан, 46 30 000 «Нодавлат нотижорат ташкилотларга» моддаси эса жорий (46 31 000 кичик модда) ва капитал грантлар (46 32 000 кичик модда) кичик моддаларидан иборат.

170. 46 40 000 «Давлат бошқаруви секторининг бошқа бирликларига»



моддаси давлат доирасида давлат бошқаруви сектори бирлигининг биридан бошқасига дотация, субвенция ва бошқа турдаги трансфертлар кўринишидаги молиявий ёрдамни ифодалайди ҳамда жорий (46 41 000 кичик модда) ва капитал (46 42 000 кичик модда) грантлар кичик моддаларига бўлинади.

171. Давлат бошқаруви секторининг бошқа бирликларига жорий грантлар қуйидаги элементларга бўлинади:

дотациялар (46 41 100 элементи) ўз даромадлари ва бюджетни тартибга солувчи бошқа маблағлар етишмаган тақдирда қуйи бюджетнинг харажатлари билан даромадлари ўртасидаги фарқни қоплаш учун юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари бўлиб, Қорақалпоғистон Республикасига (46 41 110 элементи), вилоятлар ва Тошкент шаҳрига (46 41 120 элементи), туман ва шаҳарларга (46 41 130 элементи) ва давлат мақсадли жамғармаларига (46 41 140 элементи) тақдим этилади;

субвенция (46 41 200 элементи) қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда муайян мақсадларга сарфлаш шарти билан юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари бўлиб, дотациядан фарқли равишда муайян мақсадларни молиялаштиришга тақдим этилади ва мақсадли сарфланмаган ҳолда қайтариб олинади, Қорақалпоғистон Республикасига (46 41 210 элементи), вилоятлар ва Тошкент шаҳрига (46 41 220 элементи), туман ва шаҳарларга (46 41 230 элементи) ва давлат мақсадли жамғармаларига (46 41 240 элементи) берилади;

ўтказиб бериладиган маблағлар (46 41 300 элементи), республика бюджетига тушадиган маблағларнинг мазкур маблағлар шаклланадиган ҳудудларга ўтказиб бериладиган қисми бўлиб, Қорақалпоғистон Республикасига (46 41 310 элементи), вилоятлар ва Тошкент шаҳрига (46 41 320 элементи), туман ва шаҳарларга (46 41 330 элементи) ўтказиб бериладиган маблағларга бўлинади. Бунда, ўтказиб бериладиган даромадлар мазкур бюджетларда назарда тутилган барча харажатларни қоплаш учун етишмаётган даромадлар ҳажмидан ошиб кетиши мумкин эмас.

172. 46 42 000 «Капитал» кичик моддаси қуйидаги элементларга бўлинади:

капитал харажатларни қоплаш учун субвенцияларнинг (46 42 100 элементи) пировард мақсади асосий воситалар сотиб олиш ёки капитал таъмирлаш бўйича харажатларни қоплаш бўлиб, Қорақалпоғистон Республикасига (46 42 110 элементи), вилоятлар ва Тошкент шаҳрига (46 42 120 элементи), туман ва шаҳарларга (46 42 130 элементи) ва давлат мақсадли жамғармаларига (46 42 140 элементи) субвенцияларга бўлинади;

давлат доирасидаги бошқа капитал трансфертлар (46 42 200 элементи) юқорида кўрсатилмаган давлат бошқаруви секторининг бошқа бирликларига бошқа турдаги капитал трансфертлар бўлиб, молиявий ташкилотлар (46 42 210 элементи) ва номолиявий ташкилотларга (46 42 220 элементи) бошқа капитал трансфертларга бўлинади.

173. 47 00 000 «Ижтимоий нафақалар» тоифасида бюджет маблағлари ҳисобидан ижтимоий ва тиббий суғурта доирасида, жумладан давлат пен-

сия таъминоти бўйича пенсияга харажатларни ўз ичига олади. Ижтимоий нафақалар тўлов амалга ошириладиган дастурларнинг турига кўра таснифланади, дастурлар ичида иш ижтимоий таъминот, ижтимоий муҳофаза, иш берувчи амалга оширадиган ижтимоий суғурта дастурлари ажратилади. Ижтимоий нафақалар пул ёки натура кўринишида аҳолини тўлиғича ижтимоий муҳофаза қилишга ёки алоҳида тоифадаги фуқароларни муайян ижтимоий хавфлардан ҳимоялашга қаратилган трансфертлардир. Ижтимоий хавф — бу қўшимча харажат қилишга эҳтиёж пайдо бўлиши ёки даромадларининг камайиши оқибатида маълум бир шахсларнинг мулкӣ аҳволига салбий таъсир қилувчи ҳодиса ёки вазият. Барча ижтимоий нафақалар капитал эмас, балки жорий трансфертлар ҳисобланади.

174. Ижтимоий таъминот бўйича нафақалар (47 10 000 модда) — бу аҳолига ижтимоий таъминот дастури доирасида пул кўринишида бериладиган ижтимоий нафақалар бўлиб, ўз навбатида нафақалар (47 11 100 элементи) ва пенсияларга (47 11 400 элементи) бўлинади.

175. 47 11 100 «Нафақалар» элементи ўз ичига ишсизлик бўйича нафақа (47 11 110 элементи), вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси (47 11 120 элементи), бола туғилгани учун нафақа (47 11 130 элементи), дафн этиш маросими учун нафақа (47 11 140 элементи), ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси (47 11 150 элементи), ногирон боласини тарбиялаётган ишловчи ота-онанинг бирига (васийга, ҳомийга) бола ўн олти ёшга тўлгунга қадар ойига қўшимча бир дам олиш куни учун нафақа (47 11 160 элементи) ва болалиқдан ногиронлар, пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга ва меҳнатга лаёқатсизларга нафақалар (47 11 170 элементи)ни олади.

176. 47 11 400 «Пенсиялар» элементи муддатидан олдин тайинланган пенсия (47 11 410 элементи), ишламайдиган пенсионерларга пенсия (47 11 420 элементи), ишлайдиган пенсионерларга 50 фоиз тўланадиган пенсия (47 11 430 элементи), ишлайдиган пенсионерларга 100 фоиз тўланадиган пенсияларни (47 11 440 элементи) ўз ичига олади.

177. Ижтимоий ёрдам нафақалари (47 20 000 модда) ижтимоий суғурта бўйича нафақалар каби аҳолининг эҳтиёжларини қондириш учун тўланадиган, бироқ ижтимоий суғурта дастурлари доирасида амалга оширилмайдиган трансфертларни ифодалайди.

178. Пул кўринишидаги ижтимоий ёрдам нафақалари (47 21 000 кичик модда) ўз ичига ишламайдиган оналарга, шунингдек бюджет ташкилотларида ишлайдиган оналарга бола 2 ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаш учун бериладиган ойлик нафақа (47 21 100 элементи), вояга етмаган 16 (18) ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар (47 21 200 элементи), кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам (47 21 300 элемент), имтиёзли беморлар контингентига бепул кўрсатилган юқори малакали ихтисослашган тиббий ёрдам харажатларини қоплаш (47 21 400 элементи), етим болаларга ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларга нафақалар (47 21 600 элемент) ва пул шаклидаги бошқа ижтимоий ёрдам нафақаларини (47 21 900 элементи) олади.

179. Натура шаклидаги ижтимоий ёрдам нафақалари (47 22 000 кичик модда) уй хўжаликлари номидан бозор ишлаб чиқарувчиларидан сотиб олинган товар ва хизматларни, шунингдек уй хўжаликларининг муайян неъматларни сотиб олиш харажатларини дастур шартларига мувофиқ қоплаб беришдан иборат ва қуйидаги элементларга бўлинади:

47 22 100 «Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, кам таъминланган оилалардан бўлган ўқувчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш нафақалари»;

47 22 200 «Қишки кийим ва пойабзал билан таъминлаш харажатлари»;

47 22 300 «Дарсликлар билан таъминлаш харажатлари»;

47 22 400 «Йўл чиптаси билан таъминлаш харажатлари»;

47 22 500 «Бепул озиқ-овқат билан таъминлаш харажатлари»;

47 22 600 «Ёлғиз қариялар учун озиқ-овқат сотиб олиш харажатлари»;

47 22 700 «Бепул рецепт бўйича имтиёзли контингент учун дори-дармон сотиб олиш харажатлари»;

47 22 800 «Муҳтож ногиронларни протез-ортопедик буюмлар ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш харажатлари»;

мазкур кичик модданинг 47 22 100 — 47 22 800 элементларида кўрсатилмаган 47 22 900 «Натура шаклида бошқа турдаги ижтимоий ёрдам нафақалари».

180. Иш берувчилар томонидан бериладиган ижтимоий нафақалар (47 30 000 модда) давлат бирликлари томонидан ўз ишчиларига ёки бошқа давлат бирликлари ишчиларига пул шаклида (47 31 000 кичик модда) ва натура шаклида тўланадиган (47 32 000 кичик модда) ижтимоий нафақаларни ифодалайди.

181. 48 00 000 «Бошқа харажатлар» тоифаси 41 00 000 — 49 00 000 тоифаларда кўрсатилмаган бошқа барча харажатларни ўз ичига олади ва қуйидаги моддаларга бўлинади: 48 10 000 «Мулк билан боғлиқ харажатлар, фоиз бундан мустасно», 48 20 000 «Бошқа турли харажатлар».

182. Мулк билан боғлиқ харажатлар, фоиз бундан мустасно (48 10 000 модда), давлат бошқаруви сектори бирлигининг молиявий актив ёки номоддий ноишлаб чиқариш актив эгасига ушбу активдан фойдаланганлик учун тўловига доир харажатлар бўлиб, дивиденд, даромадлардан ажратмалар ва рента шаклида бўлиши мумкин.

183. Бошқа турли харажатлар (48 20 000 модда) бошқа тоифаларга киритилмаган операциялар бўйича барча харажатларни ўз ичига олади ва моҳиятан жорий (48 21 000 кичик модда) ва капитал (48 22 000 кичик модда) харажатларга бўлинади.

184. 48 21 000 «Жорий» кичик моддасига қуйидаги элементлар киради:

48 21 100 «Бошқа турли харажатлар» ўз навбатида кадастр, ер тузиш топографик-геодезик ва картографик ишларни (48 21 110 элементи), вакиллик харажатлари (48 21 120 элементи), биринчи синф ўқувчиларига ўқув жиҳозларини сотиб олишга харажатлар (48 21 130 элементи) ва мазкур таснифнинг ҳеч қайси тоифаси ва моддасига киритилмаган бошқа харажатларни (48 21 190 элементи) акс эттиради;

48 21 200 «Халқаро ва давлатлараро ташкилотларга аъзолик»га халқаро ва давлатлараро ташкилотларга аъзо бўлиб кириш ёки ҳукуматнинг уларга аъзолик бадали билан боғлиқ харажатларни акс эттиради;

48 21 300 «Хукумат мукофотлари» давлат мукофотларини тўлаш билан боғлиқ харажатларни акс эттиради;

48 21 400 «Стипендиялар» олий ўқув юртларида тўланадиган стипендияларни акс эттиради;

48 21 500 «Фуқароларга етказилган зарарларни қоплаш» давлат ҳокимияти органлари ёки улар мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) оқибатида фуқароларга етказилган зарарни, шу жумладан, маънавий зарарни қоплаш, шунингдек, фуқароларга етказилган бошқа зарарларни тўлаб бериш билан боғлиқ харажатларни акс эттиради;

48 21 600 «Тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини шакллантириш харажатлари» Тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини шакллантиришга бюджет маблағлари ҳисобидан қилинадиган харажатларни акс эттиради.

185. 49 00 000 «Молиявий активлар ва мажбуриятлар бўйича харажатлар» тоифасига молиявий активларни тақдим қилиш ва мажбуриятларни тўлашга доир харажатлар киради.

Молиявий активлар (49 10 000 модда) бўлиб институционал бирликлар ўртасидаги шартнома қоидаларига мувофиқ актив эгаси бўлган (яъни кредитор) бир институционал бирликка бошқа бирликдан (дебитордан) бир ёки бир нечта тўловларни олиш ҳуқуқини берувчи активлар ёки молиявий талаб ҳисобланади. Молиявий активлар қўйидаги кичик моддаларга бўлинади:

Ички (49 11 000 кичик модда), унга депозитлар (49 11 100 элементи), қимматли қоғозлар, акциялар бундан мустасно (49 11 200 элементи), кредит ва қарзлар (49 11 300 элементи) ҳамда акция ва капиталда иштирок этишнинг бошқа шакллари (49 11 400 элементи) киради.

186. 49 11 100 «Депозитлар» элементи қатъий номинал қийматга эга бўлган ва тўловларни амалга ошириш учун ишлатиладиган молиявий активларни ифодалайди. Улар жамғариш воситалари бўлиб, тўғридан-тўғри айирбошлаш воситаси бўлиши мумкин ва фоизлар келтириши ёки депозитлар эгасига муайян хизмат олиш ҳуқуқини бериши мумкин.

187. 49 11 200 «Қимматли қоғозлар, акциялар бундан мустасно» элементига муомалада бўлган молиявий инструментлар: векселлар, облигациялар, депозит сертификатлари, банк акцептлари ҳамда институционал бирликларнинг иқтисодий қийматга эга воситалар тақдим қилиш орқали тартибга солиниши керак бўлган мажбуриятларга эга эканлигини тасдиқловчи бошқа турдаги қимматли қоғозлар киради.

188. 49 11 300 «Кредит ва қарзлар» элементига кредиторнинг дебиторга тўғридан-тўғри маблағни тақдим этиши ва бунини тасдиқлаш учун икки институционал бирлик ўртасида шартнома тузилишида вужудга келадиган молиявий инструментга айтилади ва у ўз навбатида элементларга бўлинади: Қорақалпоғистон Республикасига бериладиган ссудалар (49 11 310 элемен-

ти), вилоятлар ва Тошкент шаҳрига бериладиган ссудалар (49 11 320 элементи), шаҳар ва туманларга бериладиган ссудалар (49 11 330 элементи), давлат мақсадли жамғармаларига бериладиган ссудалар (49 11 340 элементи), номолиявий давлат ташкилотларига кредитлар (49 11 350 элементи), нодавлат нотижорат ташкилотларга кредитлар (49 11 360 элементи), молиявий ташкилотларга кредитлар (49 11 370 элементи) ва бошқа ички кредитлаш (49 11 390 элементи).

189. 49 11 400 «Акция ва капиталда иштирок этишнинг бошқа шакллари» элементи ўз ичига барча кредиторларнинг талаблари қондирилгандан сўнг, корпорациянинг қолдиқ қийматига талабларни тасдиқловчи барча инструментларни ва ҳисоб ҳужжатларини олади.

190. 49 12 000 «Ташқи» кичик моддаси ўз ичига депозитлар (49 12 100 элементи), қимматли қоғозлар, акциялар бундан мустасно (49 12 200 элементи), кредит ва қарзлар (49 12 300 элементи) ҳамда акция ва капиталда иштирок этишнинг бошқа шакллари (49 12 400 элементи) олади.

191. Молиявий талаб тузилиши билан айни вақтда дебиторда тегишли молиявий талаблар эгаси бўлган институционал бирликларга иқтисодий наф келтиришдан иборат бўлган мажбурият (49 20 000 модда) пайдо бўлади. Пайдо бўлишига кўра мажбуриятлар ички (49 21 000 кичик модда) ва ташқи (49 22 000 кичик модда) мажбуриятларга бўлинади.

192. Ички мажбуриятлар бўлиб қимматли қоғозларни, акциялар бундан мустасно (49 21 100 элементи), жумладан, газначилик векселлари ва узоқ муддатли қимматли қоғозларни (49 21 110 элементи) тўлаб бериш ҳисобланади.

Шунингдек, ички мажбуриятлар бўлиб кредит ва қарзлар (49 21 200 элементи) ҳисобланади, у ўз навбатида қуйидагиларга бўлинади: Ўзбекистон Республикаси республика даражасидаги ссудаларни қайтариш (49 21 210 элементи), Қорақалпоғистон Республикаси ссудаларини қайтариш (49 21 220 элементи), вилоятлар ва Тошкент шаҳри ссудаларини қайтариш (49 21 230 элементи), номолиявий давлат ташкилотлари кредитларини қайтариш (49 21 240 элементи), нодавлат нотижорат ташкилотлари кредитларини қайтариш (49 21 250 элементи), молиявий ташкилотлар кредитларини қайтариш (49 21 260 элементи) ҳамда бошқа элементларда кўрсатилмаган турли ички кредитларни қайтариш (49 21 290 элементи).

193. Бюджетлар ўртасидаги ҳисоб-китоб ва тўловлар (49 21 300 элементи) бюджет жараёнининг ажралмас қисми бўлиб, у бюджетлар ўртасида бюджет ўтказмаларини ифодалайди ҳамда ўз ичига ўзаро ҳисоб-китобларга мувофиқ Республика даражасига ўтказиб бериладиган маблағлар (49 21 310 элементи), ўзаро ҳисоб-китобларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасига ўтказиб бериладиган маблағлар (49 21 320 элементи), ўзаро ҳисоб-китобларга мувофиқ вилоятлар ва Тошкент шаҳрига ўтказиб бериладиган маблағлар (49 21 330 элементи), ўзаро ҳисоб-китобларга мувофиқ туман ва шаҳарларга ўтказиб бериладиган маблағлар (49 21 340 элементи), юқори бюджетга ўтказиб бериладиган маблағлар (49 21 350 элементи), юқори

бюджетга ўтказиб бериладиган ортиқча даромад суммаларини (49 21 360 элементи) олади.

Акция чиқариш ва капиталда иштирок этишнинг бошқа шакллари (49 21 400 элементи) ҳам мажбуриятлар ҳисобланади.

194. Ташқи мажбуриятларга қимматли қоғозлар, акциялар бундан мустасно (49 22 100 элементи), жумладан, газначилик векселлари ва узоқ муддатли қимматли қоғозларни (49 22 110 элементи) тўлаб бериш, кредит ва қарзларни (49 22 200 элементи), шу жумладан, хорижий ҳукуматлар кредитларини қайтариш (49 22 210 элементи), халқаро ташкилотлар кредитларини қайтариш (49 22 220 элементи) ҳамда молиявий ташкилотлар кредитларини қайтариш, халқаро ташкилотлар бундан мустасно (49 22 230 элементи) киради.

195. Харажатларнинг иқтисодий таснифининг кодлари мазкур Йўриқноманинг 5а-иловасига мувофиқ тўрт гуруҳ бўйича тақсимланади.

#### **IV. Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари таснифи**

196. Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари таснифи (мазкур Йўриқноманинг 6-иловаси) уларни молиялаштиришнинг ички ва ташқи манбалари бўйича гуруҳланишидан иборат.

197. Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари таснифи қуйидагилардан ташкил топади:

бўлим;

параграф.

198. Бўлим — давлат бюджети тақчиллигини уни молиялаштириш манбалари бўйича гуруҳланишидан иборат.

199. Параграф — давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш турлари бўйича гуруҳлашдан иборат.

200. 50-бўлим «Молиялаштиришнинг ички манбалари» қуйидаги параграфлардан ташкил топган:

501 «Давлат қимматли қоғозларини жойлаштиришдан тушган маблағлар»;

502 «Марказий банк кредитлари»;

503 «Давлат мулкни хусусийлаштиришдан тушган маблағлар»;

504 «Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағларининг қолдиғи»;

505 «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларининг қолдиғи»;

506 «Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларининг қолдиғи»;

507 «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағларининг қолдиғи»;

508 «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг махсус ҳисобварағи маблағлари»;

509 «Бошқа ички манбалардан жалб қилинадиган маблағлар».

201. 51-бўлим «Молиялаштиришнинг ташқи манбалари» қуйидаги параграфлардан ташкил топган:

511 «Давлат қимматли қоғозларини жойлаштиришдан тушган маблағлар»;

512 «Халқаро молиявий институтлар, ташкилотлар кредитлари»;

513 «Хорижий давлатлар кредитлари»;

514 «Бошқа ташқи манбалардан жалб қилинадиган маблағлар».

Ўзбекистон Республикаси бюджет  
таснифини қўллаш бўйича йўриқномага  
1-ИЛОВА

### Маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси ТАСНИФИ

